*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 191 (20. 458) • 1989 йил 19 август, шанба • Баҳоси 3 тийин.

XII БЕШ ЙИЛЛИК

*Республика далаларида фидокорона меҳнат*

*СССР Олий Совети Президиумининг Фармони*

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг иккинчи сессияси 1989 йил 25 сентябрда Москва шаҳрида чақирилсин.

**СССР Олий Советининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва. Кремль. 1989 йил 16 август.

* * *

СССР Олий Советининг иккинчи сессияси бошланишидан олдин шу йил 18 сентябрдан СССР Олий Совети комитетлари ва Олий Совет палаталари доимий комиссиялари иш бошлайди.

# ҚОНУН—ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҲАЁТИНИНГ НЕГИЗИДИР

### *СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси*

Парламент каникулда бўлса ҳам энг муҳим сиёсий воқеалардан воқиф бўлиб турган мамлакат ҳокимияти олий органининг фаолияти бир лаҳза тўхтаётгани йўқ. 16 август куни СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов раислигида ўтган СССР Олий Совети Президиуми мажлиси ҳам СССР Олий Совети иккинчи сессиясини 25 сентябрь куни чақиришга қарор қилиб, дарҳол бутун мамлакатни ҳаяжонга солиб турган муаммони муҳокама қилишга киришди.

Бу Эстония ССРнинг «Эстония ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Эстония ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ҳақида»ги қонунлари айрим моддаларининг СССР Конституциясига номувофиқлиги тўғрисидаги масаладир. Республика Олий Совети сессияси 8 август куни қабул қилган ана шу актлар ўтроқлик цензи жорий этиш йўли билан Эстония аҳолиси бир қисмининг сайлов ҳуқуқларини чеклаб қўяди.

СССР юстиция министри **В. Ф. Яковлевга** сўз берилади. У иттифоқдош республикада таркиб топган мураккаб вазиятга мамлакатнинг Асосий қонуни — СССР Конституцияси позицияларидан туриб баҳо берди. Нотиқ, Эстония ССР Олий Советининг қарорлари республика гражданларининг сайлов ҳуқуқини уларнинг муайян совет территориясида, яъни камида сўнгги икки йил шу территорияда ёки камида беш йил Эстония ССРда яшаш шарти билан чеклаб қўяди. Шу совет территориясида камида беш йил яшаган ёки Эстонияда жазмн бўлиб ўн йил яшаган республика граждани халқ депутатлигига сайланиш учун ўз номзодини қўйиши мумкин.

Нотиқ, бу қоидалар республика ва умуман мамлакат жамоатчилигини жунбушга келтирганлигини таъкидлаб, мазкур қоидалар Совет Иттифоқи барча гражданларининг тенг ҳуқуқлигига кафолат бўладиган, уларнинг жамият сиёсий ҳаёти барча соҳаларида иштирок этишига имкон берадиган СССР Конституцияси моддаларига зидлигини ҳужжатлар асосида тасдиқлади. Эстония ССР Олий Совети қабул қилган актлар, деди у, совет конституцион ва ҳуқуқий практикасига номаълум бўлган «ўртоқлик цензи» тушунчасини жорий этади, мазкур актлар Совет Иттифоқи иштирок этаётган гражданлик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга зиддир.

Демак, хулоса чиқарди нотиқ, муҳокама қилинаётган республика актлари совет ва халқаро ҳуқуққа, жамиятимизни демократиялаш руҳига, қайта қуришнинг инқилобий принципларига зид, деб таъкидлаш учун барча ҳуқуқий асослар бор.

Шундан кейин сўзга чиққан Эстония ССР Олий Совети Президиумининг раиси **А. Ф. Рюйтель** республика қонуншуносларини муҳокама қилинаётган актларни қабул қилишга рағбатлантирган сабабларни изоҳлади. У, жумладан буни маҳаллий Советлар сайлаб қўйиладиган органларининг жуда ишбилармонликка эришиши зарурлиги билан боғлади. Келгуси йилнинг бошидан Эстониянинг республика хўжалик ҳисобига ўтиши худди ана шундай ёндашувни тақозо этади, деб таъкидлади у.

— 8 август куни қабул қилинган тузатишлар республикадаги шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган вазиятни янада кескинлаштирмайдими, бу хусусда фикрингиз қандай? — Иттифоқ Совети план бюджет-молия комиссиясининг раиси **В. Г. Кучеренко** А. Ф. Рюйтелга шу савол билан мурожаат қилди. — Бу тузатишларнинг сиёсий моҳияти нимада? Аҳолининг кейин кўчиб келган қисмининг камситилиши миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин, холос.

Шундан кейин СССР Олий Совети Миллатлар Совети миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссиясининг раиси **Г. С. Таразевич** ахборот берди. У бошчилик қилаётган СССР халқ депутатлари группаси иш ташлаш комитетининг илтимосига кўра, Эстонияга бориб, меҳнаткашлар, республика раҳбарлари, Эстония ССР Олий Советининг депутатлари билан учрашди.

Ана шу учрашувлар чоғида, деди нотиқ, конституция нормаларини бузиш билан боғлиқ бўлган етарлича далил исботли кўпгина масалалар кўтарилди. Бу, нотиқнинг фикрича, республикада мураккаб, қалтис вазиятни вужудга келтирди. Бунинг бош сабаби барча даражаларда нормал, амалий мулоқотнинг йўқлигидир. Аҳволни бартараф этиш учун фикрларни таққослаш ва ўзаро мурося йўлига ўтиш керак.

Шу масала хусусида авж олиб кетган мунозарада РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси **В. И. Воротников**, СССР Олий Советининг ёшлар ишлари комитети раиси **В. И. Цибух**, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси **Р. Н. Нишонов**, Миллатлар Советининг иттифоқдош ва автоном республикаларни, автоном областлар ва округларни социал ҳамда иқтисодий ривожлантириш масалалари комиссиясининг раиси **Э. И. Вилкас**, СССР Олий Советининг ошкоралик ва гражданларнинг ҳуқуқлари, шикоят ва аризалари масалалари комитети раиси **В. К. Фотеев**, СССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раиси **С. С. Алексеев**, СССР Олий Совети қурилиш ва архитектура масалалари комитетининг раиси **Б. Н. Ельцин**, Иттифоқ Совети план ва бюджет-молия комиссиясининг раиси **В. Г. Кучеренко**, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси **Е. Б. Примаков** сўзга чиқдилар. Улар мазкур ўткир масалани сиёсий мулоқот йўли билан, ҳуқуқий демократик жамиятга яраша ҳаракат қилиб, совет қонунлари доирасида ҳал этиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Ультиматум руҳидаги талаблардан воз кечиш, миллатлараро муносабатларнинг мураккаб муаммоларига муштарак ёндашувларни собитқадамлик ва ҳалоллик билан қидириш зарур.

Мажлисда **А. И. Лукьянов** сўзга чиқди. У фикрлашувларга якун ясар экан, муҳокама ўртоқларга руҳда, аммо принципиал тусда бўлганлигини таъкидлаб ўтишни истар эдим, деб уқтирди. Бу тушунарлидир. Мамлакатнинг бир қанча регионларида миллатлараро муносабатларнинг кескинлашганлиги бизни ҳаяжонга солмоқда ва ниҳоятда безовта қилиб турибди.

Кескинликка барҳам беришнинг йўллари қандай? Биз аслида муштарак позицияга суяндик: бартараф этиш йўллари Совет Социалистик Федерациясининг негизларига путур етказишда эмас, балки ана шу федерацияни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлангандир.

Совет федератив тузумини шу тахлитда мустаҳкамлаш, аввало, итифоқдош республикалар суверен ҳуқуқларини реал мазмун билан тўлдиришдир, таркиб топган бузилишлар ва ҳаддан зиёд марказлаштиришга барҳам беришдир, ҳар бир халқнинг манфаатларини, тарихий, маданий ва бошқа хусусиятларини жуда синчковлик билан ҳисобга олишдир, бу ҳар бир республика территориясида яшаётган барча миллатларга мансуб гражданларнинг тенг ҳуқуқлилиги гарантияларини мустаҳкамлашдир. Худди ана шу негизда совет республикалари иттифоқи мустаҳкамланади, унинг энг муҳим функциялари ривожланади, буларсиз қудратли замонавий социалистик давлатнинг бўлиши аслида мумкин эмас. Партиямизнинг позицияси, КПСС Марказий Комитетининг яқин орада бўладиган Пленуми арафасидаги миллий сиёсат бобидаги платформаси ана шундай.

Миллатлараро муносабатларни ривожлантиришдек мураккаб ва қийин муаммони осойишта, амалий вазиятдагина муҳокама қилиш ва ҳал этиш мумкин, албатта.

Миллий эҳтиросларни авж олдириш, республикалар маҳаллий ва маҳаллий бўлмаган аҳолиси ўртасидаги муносабатлардаги кескинлик, миллатлараро негизидаги тўқнашувлар, очиғини айтсак, шундоқ ҳам жуда мушкул бўлган масалаларни ҳал этишни чигаллаштиради, холос.

Болтиқбўйилик ўртоқлар билан суҳбатлар чоғида мен ана шу республикалар барча аҳолисини, халқ фронтларини ва бошқа жамоат ҳаракатларини ҳозир халқ хўжалигини бошқаришнинг янги иқтисодий методларини йўлга қўйиш, республика хўжалик ҳисобини жорий этиш, ҳокимият маҳаллий органлари ва корхоналар ташаббусини мустаҳкамлашга сафарбар этиш нечоғлик муҳимлигини бир неча бор гапирган эдим. Назаримда, худди ана шу миллатлараро муносабатлардаги ҳар қандай оғишларнинг давоси ва миллий тусдаги ҳар қандай ҳаракатнинг чинакам мақсадлари нимада эканлигини текшириб кўришнинг энг яхши усулидир. Ҳозир энг асосий иш қаттиқ қуришни олға силжитишдир — худди шугина республикалардаги миллатлараро кескинликни сусайтириши мумкин.

Эстонияда сайлов ислоҳоти лойиҳаси атрофида авж олиб кетган кураш бунга ёрдам бера оладими? Йўқ, бу кураш режаларимизни амалга оширишга халал беради, бизни қайта қуришнинг асосий йўлидан олисда бўлган муаммолар билан шуғулланишга мажбур этади.

(Давоми иккинчи бетда).



## АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

### Катта хирмон йўлида

**● Иштихон районидаги Навоий номли колхоз пахтакорлари жорий йилда 1130 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан хирмон кўтариш, яъни ҳосил салмоғини 3551 тоннага етказиш, шунинг 60 процентини машиналарда йиғиштириб олишга аҳд қилишган.**

Ана шу мақсадда ҳозир хўжаликда барча диққат-эътибор ғўзаларда ҳосил нишоналарини кўпайтиришга, ҳар уч-тўрт кунда битта кўсак ҳосил қилишга қаратиляпти. Бунда тажрибали сувчи, механизатор, колхозчиларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Айниқса, Ғани Рўзиев, Мурод Эшназев, Элмурод Равшанов ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда дала ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаётир. Бу бригадаларда ғўза чеканкаси тугалланди.

Ғ. Рўзиев бошлиқ бригада заршуносларн жорий йилда 102 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлашган. Звено пудрати асосида меҳнат қилаётган деҳқонлар ҳозирги куннинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

**У. САИДОВ.**

### Қардошлар дастурхонига

**● Оқолтин район матлубот жамиятининг тайёрлов идораси ходимлари аҳоли ва хўжаликларда етиштирилаётган ортиқча озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилишни намунали уюштирмоқдалар.**

Бу хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган идорانинг имкониятларини кенгайтираётир. Йилнинг ўтган даврида Ворошилов номли, Абдалин номли, «Фарғона» совхози аҳолисидан 50 тоннадан зиёд сабзавот маҳсулотларн қабул қилиниб, Тошкент шаҳри ярмаркаларига жўнатилди. Хўжаликлар билан минг тонна қовун-тарвуз, 35 тонна помидор, кўплаб сабзавот етказиб бериш ҳақида шартнома тузилган. Ўз навбатида оқолтинлик тайёрловчилар Тюмень ишчилар таъминоти бошқармаси, Саянск алюмин заводи ишчилар таъминоти бўлимлари билан ўзаро мол алмашиш ҳақида келишиб олганлар. Сибирликларга етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари эвазига кўплаб хом ашё, зарур техника олинади.

**Б. САТТОРОВ.**



### Техника мавсумга тахт

**● Яккабоғ райони пахтакорлари ғўзаларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Улар шу хўжалик йилида мамлакатга 40 минг тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб бериш юзасидан эммаларига юксак мажбурият қабул қилганлар.**

Айни кунларда пахтазор оралаган киши ҳар туп ғўзада 8—9 тадан бўлиқ кўсакларни кўриши мумкин. Ғўзаларнинг серҳосил бўлиб ўсишининг сабаби шундаки, қатор қаторларини культивация қилиш, озиқлантириш, суғориш ишлари тўғри ташкил этилмоқда.

Етиштирилаётган мўл ҳосилнинг асосий қисмини терим агрегатлари ёрдамида йиғиштириб олиш тадбирлари белгилаб чиқилган. Шунга кўра, машина теримига 8340 гектар майдоннинг ғўзаси ажратилган. Бу ердаги ғўзалар машинабоп қилиб парвариш қилинмоқда. Район механизаторлари 21 минг тонналик пахтани терим машиналари билан териб бериш учун мавжуд техника воситаларини барвақт, сифатли қилиб ремонтдан чиқардилар.

Бугунги кунда 250 та терим машиналари, 750 та тележка, 100 та кўрак чувиш, 82 та кўсак териш агрегати, 45 та юклагич, 400 та транспорт тракторлари, 22 та катта тарози, 350 та қўл тарози, 6 та кўчма устахона тайёр қилиб қўйилди.

Техника ремонти «Қизил Ўзбекистон», «Партия XXIV съезди», Энгельс номли, «Правда», «Ленинизм», «Коммунизм» ва «Қизил юлдуз» колхозларида анча эрта тугалланди.

**Ҳ. ТУРДИЕВ.**

**СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ, Жарқўрғондаги пахтани қайта ишлаш заводи коллективи янги ҳосилни қабул қилишга катта ҳозирлик кўрмоқда. Заводдаги барча ускуналар техник қаровдан ўтказилди. Пахта пунктларидаги машина-механизмларнинг ҳаммаси созлаб қўйилди.**

**Суратларда: 1. Илғор слесар Соатмурод Ёдгоров транспортер ремонтини тугалламоқда. 2. Янги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёрлаб қўйилган техника.**

**И. ХЎЖАЕВ** суратлари (ЎзТАГ).

*СССР Олий Совети Президиумининг қарори*

## СССРда ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ МУВАҚҚАТ КОМИТЕТНИНГ СОСТАВИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисида»ги 1989 йил 4 август қарорини ижро этиш мақсадида СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

СССРда жиноятчиликка қарши курашни муваққат комитетнинг қуйидаги составини тасдиқлансин:

**МУВАҚҚАТ КОМИТЕТ РАИСИ**

**Лукьянов** Анатолий Иванович — СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари

**МУВАҚҚАТ КОМИТЕТ АЪЗОЛАРИ**

**Бакатин** Вадим Викторович — СССР ички ишлар министри.

**Бородулин** Анатолий Владимирович — Балашиҳа қуюв-механика заводининг йиғувчи слесарлар бригадири, СССР халқ депутати.

**Глазков** Николай Семенович — Москвадаги бадиий соатлар заводининг мастер-бригадири, СССР халқ депутати.

**Зелинский** Игорь Петрович — И. И. Мечников номли Одесса давлат университетининг ректори, СССР халқ депутати.

**Иовлев** Дмитрий Михайлович — Ленин комсомоли номли автомобиль заводининг слесари, СССР халқ депутати.

**Колбин** Геннадий Васильевич — СССР халқ контроли комитетининг раиси, СССР халқ депутати.

**Коршунов** Александр Александрович — В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарлар бригадири, СССР халқ депутати.

**Крючков** Владимир Александрович — СССР давлат хавфсизлиги комитетининг раиси.

**Лияхонов** Альберт Анатольевич — ёзувчи, В. И. Ленин номли Совет болалар фонди правлениесининг раиси, СССР халқ депутати.

**Лунев** Виктор Андреевич — Москвадаги «Компрессор» холодильник машинасозлик заводининг токари, СССР халқ депутати.

**Мальцев** Иннокентий Иванович — Москвадаги Ефремов номли «Красный пролетарий» станоксозлик заводининг ишчиси, СССР халқ депутати.

**Мироненко** Виктор Иванович — ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР халқ депутати.

**Памфилова** Элла Александровна — «Мосэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси марказий ремонт-механика заводи касаба союз комитетининг раиси, СССР халқ депутати.

**Пирязева** Нина Михайловна — Новосибирскдаги «Сибсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр монтажчиси, СССР халқ депутати.

**Сазонов** Николай Семёнович — Кама автомобиль заводи автомат-токарь цехи партия комитетининг секретари, СССР халқ депутати.

**Смоленцев** Евгений Алексеевич — СССР Олий судининг раиси.

**Стадник** Владимир Яковлевич — Луховици машинасозлик заводининг цех бошлиғи, СССР халқ депутати.

**Сухарев** Александр Яковлевич — СССР Бош прокурори, СССР халқ депутати.

**Шалаев** Степан Алексеевич — ВЦСПС раиси, СССР халқ депутати.

**Яковлев** Вениамин Федорович — СССР юстиция министри.

**Яковлев** Александр Максимович — СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири, СССР халқ депутати.

**СССР Олий Советининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва. Кремль. 1989 йил 16 август.

## *Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида*

17 август куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисда халқ депутатлари Қарши шаҳар Советининг демократия ва ошкоралик кенгайиб бораётган шароитда омма билан алоқани янада мустаҳкамлаш соҳасидаги иши кўриб чиқилди. Қарши шаҳар ижроия комитетининг раиси А. И. Шукуров ҳисобот берди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Н. Н. Иванова мазкур масалани тайёрлашда қатнашган депутатлар группаси номидан ахборот берди.

Қарши шаҳар Совети омма билан алоқани янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш практикасини яхшилаш соҳасида муайян иш олиб бораётганлиги айтиб ўтилди. Меҳнаткашларни иш ва истиқомат жойларида қабул қилишни, «Очиқ хат кунлари», бевосита алоқа хизмати, раҳбарларнинг меҳнат коллективлари билан учрашувларини йўлга қўйиш сингари жамоатчилик фикрини аниқлашнинг демократик шакллари амалиётга кириб бормоқда. Советлар ишининг ошкоралиги кенгаймоқда, аҳоли қабул қилинаётган қарорлардан ва улар қандай бажарилаётганлигидан, сайловчиларнинг наказлари қай тариқа рўёбга чиқирилаётганлигидан хабардор қилинмоқда.

Шу билан бирга шаҳар Совети, хўжалик органларининг раҳбарлари гражданларнинг эҳтиёж ва талабларини чуқур ўрганмаяптилар, аҳоли ўртага қўйётган масалаларни суст ҳал этяптилар. Бу ишга депутатлар группалари, маҳалла комитетлари, аҳолининг фаоллият кўрсатувчи бошқа жамоат органлари яхши жалб этилмаяпти.

Шаҳар Совети, унинг ижроия комитети, доимий комиссиялар фаолиятида, иқтисодий ва социал ривожланиш планларида жамоатчилик фикри, меҳнаткашларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифлари ҳамиша ҳам ҳисобга олинаяпти, деб бўлмайди. Шаҳар ижроия комитетида гражданлар мурожаатларини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва кўриб чиқишнинг аниқ тартиби йўлга қўйилмаган. Ижро этиш интизоми паст даражададир. Совет органларининг раҳбарлари гражданларни қабул қилиш тартибини бузмоқдалар, аризалар ва шикоятлар атрофлича текширилишини ҳамиша ҳам таъминламаяптилар, бу эса совет органларининг меҳнаткашлар оммасидан ажралиб қолишига, ҳал қилиниши мумкин ва лозим бўлган масалалар юзасидан юқори органларга тушаётган коллектив ва такрорий хатлар миқдорининг кўпайишига олиб келмоқда.

Президиум демократия ва ошкоралик ривожланаётган шароитда омма билан алоқани мустаҳкамлаш борасида халқ депутатлари Қарши шаҳар Совети ишининг услуби ва методларида тубдан қайта қуриш рўй бермаганлигини таъкидлади. Шаҳар Советига XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети биринчи сессиясининг йўл-йўриқларига амал қилиб, меҳнаткашлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун аҳолининг ошиб бораётган социал-сиёсий фаоллигидан тўлароқ фойдаланиш, демократия ва ошкораликни ривожлантириш ҳамда кенгайтириш, гражданларнинг талаблари ва манфаатларини қондириш таклиф этилди. Халқ депутатлари Қашқадарё область Совети ижроия комитетига, республикадаги бир қанча министрлик ва идораларга ҳам шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантириш масалаларини ҳал этишда амалий жиҳатдан кўмаклашишга доир конкрет топшириқлар берилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР территориясида ташкил этилган округлардан сайланган СССР халқ депутатларига сайловчиларнинг наказлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Президиум социалистик демократияни, халқнинг ўзини ўзи бошқарувини амалга ошириш, жамоатчилик фикри ва одамларнинг гражданлик фаоллигини ифодалашнинг шаклларидан бири сифатида наказаларнинг ғоят муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, республика Госплани, министрлик ва идораларига, халқ депутатлари область ва Тошкент шаҳар Советлари ижроия комитетларига сайловчиларнинг наказлари билан олиб бориладиган ишларни тегишли органлар ва умуман Ўзбекистон ССР эга бўлган реал имкониятлар даражасида тубдан қайта қуриш юзасидан конкрет тадбирларни амалга оширишни кўзда тутишни топширди.

СССР Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисида»ги қарорига биноан Ўзбекистон ССРда жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитети ташкил этилди. Комитетга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ М. И. Иброҳимов бошчилик қилади. Комитетга СССР халқ депутатлари, Ўзбекистон ССР ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари, таниқли олимлар, жамоатчилик вакиллари кирдилар.

Мажлисда бошқа масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## • *КПСС платформаси лойиҳаси: дастлабки таассуротлар*

**Барча совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати (КПСС платформаси)» лойиҳасини зўр қониқиш билан кутиб олдилар.**

### ҲОЛИСОНА ИШ ТУТИБ

Куни кеча матбуотда «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» (КПСС платформаси)нинг лойиҳаси эълон қилинди. Шубҳасиз, бу лойиҳа кўп йиллар давомида иттифоқимиздаги миллатлараро муносабатларда йиғилиб қолган қатор муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда миллий муносабатлар барча совет кишилари қатори республикамиз халқларини ҳам жиддий ташвишга солмоқда ва ҳаяжонлантирмоқда. Ҳаяжонланмай бўладими, ахир. Айниқса бизнинг республикамиз кўпмиллатли республика. Қайта қуриш барча муаммоларни, шу жумладан миллий муносабатлардаги муаммоларни ҳам холис ҳал этишни тақозо қиляпти. Бизнинг социалистик ғояларимизга тўғри келмайдиган ҳар қандай уринишларга қарши кескин кураш олиб бориш, турли миллатлар ўртасидаги ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган чора-тадбирларни кўриш даркор.

**С. ОХУНЖОНОВ,**
**истеъфодаги генерал-лейтенант.**

### ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Шу пайтгача мамлакатимизда миллий сиёсатнинг ленинча принциплари қатъий қарор топган, деб қаттиқ ишониб, бошқаларни ҳам ана шунга ишонч ҳосил қилишга ундаб келардик. Аммо қайта қуриш, янгиланиш жараёнлари бу соҳада ҳам жиддий муаммолар борлигини очиқ-ойдин намоён этди.

Фарғонада содир бўлган воқеалар муносабати билан колхозимизда бўлиб ўтган партия йиғилишида ва кишилар билан суҳбатлар чоғида умуман партиянинг кейинги пайтларда рўй берган воқеаларга муносабатини асослаб берадиган миллий сиёсати қандай эканлиги тўғрисида кўпдан-кўп саволлар ҳам эшитишимизга тўғри келди. Биз бу саволларга КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари ва кўрсатмалари асосида жавоб қайтардик. КПССнинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати, яъни платформаси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилгани ҳам кўнгилдагидек бўлди. Бу муҳим ҳужжатни ҳамма қизиқиб ўқиб, танишмоқда. Ундан ўзимизни ва хўжалигимиз аъзоларини қизиқтирган саволларга тўлатўкис жавоб топмоқдамиз.

Тўғри, бу сиёсий ҳужжат қали йиғилишларда коллектив бўлиб, шунингдек якка тартибда ғоят синчиклаб ўрганиладн, таклифлар, мулоҳазалар айтилади. Ҳозир эса шуни таъкидлашни истардимки, бир сўз билан айтганда партиянинг ушбу платформаси ўз вақтида эълон қилинди ва биз уни асосан қўллаб-қувватлаймиз.

**П. ҚОБИЛОВ,**
**Косон районидаги «Партия XXII съезди» колхози партия комитети секретари.**

# ҚОНУН—ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҲАЁТИНИНГ НЕГИЗИДИР

(Боши биринчи бетда).

Миллатлараро эҳтиросларнинг икки томондан авж олиб кетиши яна ҳам ёмонроқдир, бу ҳолда СССР Иттифоқидаги кам сонли халқлар ҳуқуқларини ҳурмат қилишни адолатли тарзда талаб қилаётган кишилар, мазкур республика ичидаги манфаатларга дахлдор бўлиб қолгудек бўлса, ўзлари кам сонли миллатларнинг ҳуқуқлари билан ҳисоблашмай қўядилар. Бу ўринда республика территориясидаги камчиликка, бошқа миллатларга мансуб аҳолига нисбатан кўпчилик маҳаллий миллатнинг мажбуриятлари тўғрисидаги ленинча кўрсатма батамом унутилади. Ҳамиша ҳам пухта ўйланмаган методлар дастак қилиб олинади, умумиттифоқ қонунчилик нормалари бузилади. Қонунларнинг ана шу тахлитда бузилишига биз илгари ҳам дуч келган эдик.

Демократиялашаётган даврда бизга сира демократияга алоқадор бўлмаган янгиликлар таклиф этилмоқда, мабодо ана шу янгиликлар кучга кирса, сайловчиларнинг анчагина қисмини сиёсий жараёндан, сайловда иштирок этишдан четлатишга олиб келади. Иш ташлаш комитетининг ҳисоб-китобига кўра, Эстония ССРнинг тахминан 80 минг нафар граждани республиканинг бошқа гражданлари билан тенг бўлмаган аҳволга тушиб қолади.

Ана шундай шароитда ССР Иттифоқи, ҳокимиятнинг иттифоқ органлари сукут сақлаб тура олмайди, албатта. Улар ўз сўзларини айтишлари шарт, СССР Олий Совети ва Министрлар Советига Болтиқ бўйидангина эмас, мамлакатнинг ҳамма жойларидан кўпдан-кўп ариза ва шикоятлар, мактублар, телеграммалар келаётганида айниқса ана шундай сўзни айтиш жоиздир.

Яна шуни қўшимча қилиб айтмоқчиманки, Эстония ССР Олий Советининг қарорлари сайлов ҳуқуқи бўйича чет эллик мутахассисларни ҳам қойил қолдиргани йўқ, чунки бу қарорлар ер юзидаги тенденцияларга, айниқса сўнгги 10 йилликлардаги тенденцияларга мос эмас. Бу тенденцияларнинг моҳияти сайлов ҳуқуқлари ва сайлов корпусини торайтиришда эмас, аксинча, кенгайтиришдадир. Ўтроқлик цензи бутун дунёда қисқармоқда, йўқолиб бормоқда. Социалистик мамлакатларда умуман ана шундай цензи йўқ. Бундай цензи мамлакатимизда ҳам йўқ эди. Шунинг учун ҳам Эстония ССР Олий Советининг қарорлари хусусида жаҳонда билдирилаётган танқидий баҳолар ҳам тушунарлидир. Сиз бу ҳақда матбуотда ўқиган бўлсангиз керак.

Бугунги мажлисда биз келган хулосалар ишончли ва шак-шубҳасиздир. Совет Конституцияси, унинг қонун олдида гражданларнинг тенглиги ҳуқуқлилиги ва гражданларнинг тенглиги ҳақидаги талабларига албатта риоя этилиши керак, бошқа йўл йўқ. Бу ўринда СССР Конституциясининг 74-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган иттифоқ қонунининг республика қонуни устидан устунлиги қатъий ва оғишмай таъминланиши керак. Гарчи, Конституцияга ўзгаришлар киритишга тайёргарлик кўрилаётган бўлса ҳам (сиз бундан хабардорсиз), аммо асосий қонун ҳозир амал қилмоқда ва у бажарилиши керак. Конституцияга ўзгаришлар киритиш юзасидан тузилган комиссиянинг мажлиси бундан бир ҳафта муқаддам бўлиб ўтди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, республика раҳбариятига ана шу қонун лойиҳалари хусусида бир неча бор тегишли тарзда ўртоқларча маслаҳат берилган эди. Жумладан, 22 июль куни иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари Президиумлари раисларининг кенгашида сайлов тўғрисидаги республика қонунлари лойиҳаларини тайёрлашга оид кўпгина масалалар кўриб чиқилаётганида кўпгина муаммоларни ҳал этишнинг турли-туман вариантларини назарда тутадиган ҳужжат биргаликда куч-ғайратлар билан ишлаб чиқилган эди. Шу кенгашда эстон ўртоқларга гражданларнинг сайлов ҳуқуқларини чеклаб қўядиган қонун лойиҳалари моддаларини қайта кўриб чиқиш одоб билан тавсия этилган эди. Аммо бу таклиф эътиборсиз қолди. СССР Олий Совети секретариатидан Эстонияга жўнатилган қонунлар лойиҳаси юзасидан расмий хулосага ҳам эътибор берилмади. Хуллас, бу ҳолда сабр-тоқат ва хайрихоҳлик етарлича бўлган эди.

Шу билан бирга бугун муҳокама қилинаётган муаммога фақат юридик нуқтаи назардангина эмас, балки кўламлироқ сиёсий позициялардан ҳам назар солиш лозим, деб ўйлаймиз: булар — Совет федерацияси принципларини амалга ошириш, мустаҳкамлаш гарантияларини нуқтаи назари ва умуман, совет ижтимоий тузуми асосларини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридир.

Совет федерацияси принциплари — бу, аввало, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, иттифоқимизнинг бутун территориясида инсон ҳуқуқлари ва бурчларининг тенглигидир. Бусиз Совет федерализмида маъно йўқ. Чунки, гражданларнинг тенгҳуқуқлилиги Совет тузумининг ички моҳиятидангина чиқиб келмайди. Бу мамлакатимиз халқаро шартномаларга кўра, ўз зиммасига олган мажбуриятлардан ҳам келиб чиқади.

Агар ҳар бир республика ўз территориясида маҳаллий миллатга мансуб бўлмаган гражданларнинг ҳуқуқларини бирор-бир йўсинда чеклай бошласа, нималар бўлишини тасаввур этиш қийин эмас. Бу федерациямизда ялпи адоват учун рўкач бўлур эди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай миллатга мансуб гражданларнинг қонун олдидаги тенгҳуқуқлилиги ва тенглиги принципларини ҳимоя қилиш ҳамиша умумиттифоқ иши бўлиб қолади. Бундан барча республикалар ҳам, уларнинг иттифоқи ҳам баб-баравар манфаатдордирлар. Мен онгли равишда ана шу масалага диққат-эътиборни қаратмоқдаман. Чунки бу ўринда, баъзан даъво қилишга уринишаётганидек, гап республиканинг Москва ёки СССР билан муносабатлари хусусида бораётгани йўқ. Бу ўринда гап, аввало, ҳар бир республиканинг бошқа тенгҳуқуқли республикалар билан муносабатлари ҳақида бормоқдаки, жами республикалар фақат биргаликдагина СССР Иттифоқини ташкил этадилар.

Иттифоқни фақат Москва деб кўрсатиш, уни жуда марказлашиб кетган, республикаларга қарши турадиган қандайдир куч деб кўрсатиш кўпинча олижаноб мақсадлар йўлида фойдаланилмайди. Бундай кўрсатишдан, бундай талқиндан эҳтиросларни авж олдириш учун, марказга ишончни сусайтириш учун, Совет федерацияси ҳар бир халққа, ҳар бир миллатга, ҳар бир элатга берган нарсаларнинг қадрини туширишга фойдаланадилар.

Айни вақтда шундай негизлар борки, уларда федерациямизгина эмас, бутун Совет ижтимоий тузуми қад ростлаб туради.

Маълумки, бу тузум ўзи дунёга келган биринчи кундан бошлабоқ барча миллатлар меҳнаткашларининг, биринчи навбатда ишчилар синфининг манфаатларини ифодалашга асосланади. Бу ерда Эстония сайлов қонунчилигининг ўзгариши кўпроқ бошқа тилда сўзлашадиган аҳоли вакилларидан иборат бўлган бир қанча йирик ишчилар коллективларига дахлдор бўлганлиги ҳақида илгарироқ гапирилди. Улар эса бунга сўнгги чора билан, рўй-рост айтадиган бўлсак, мазкур вазиятда мақбул бўлмаган чора — иш ташлаш билан жавоб бердилар.

Аммо бу ўринда ҳамиша шуни ёдда тутиш керакки, турли миллатларга мансуб бўлган кишилар, ишчилар, улар коллективларининг қонуний ҳуқуқларини ҳатто заррача бўлса-да камситиш мамлакатимиздаги социализмнинг умумий негизларига боғлиқ тарзда кўриб чиқилади, албатта.

Дарҳақиқат, биз ишчилар синфи ва аҳолининг бошқа табақалари манфаатларининг қарама-қаршилигини сира қабул қила олмаймиз. Дарҳақиқат, биз ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ўртасига нифоқ солишга ҳар қандай йўсинда уринишларни рад этамиз. Аммо шу билан бирга партиямиз, давлатимиз ишчилар синфи ва бутун меҳнаткаш халқнинг хоҳиш-иродасини ифода қилиб келди ва шундай бўлиб қолади, партия ва ҳукуматимиз уларнинг демократик мафкураси ва байналмилалчи принципларининг соҳиби бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, бунга ҳеч ким шубҳа қилмаслиги керак.

Эстония ССРда сайлов тўғрисидаги қонунга киритилган янгиликлар ҳарбий хизматчиларга, уларнинг Советлардаги вакиллигига ҳам дахлдор бўлганлиги ҳақида бу ерда илгарироқ гапириб ўтилди. Хўш, ҳарбий коллективларни мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этишдан ажратиб қўйиш зарурми, уларнинг аҳоли билан, меҳнат коллективлари билан алоқаларини сусайтириш керакми?

Назаримда, жавоб аниқ-равшан: ҳарқалай, меҳнаткашларга, халқимизга бу-ларнинг кераги йўқ. Совет Армиясини қўллаб-қувватлаш ва уни сифат жиҳатдан янгилаш, армияни байналмилалчилик ва ватанпарварлик мактаби сифатида такомиллаштириш — партиямиз ва давлатимиз мамлакатимиз Қуролли Кучлари олдига худди ана шундай вазифаларни қўймоқдалар ва биз бундай позициядан ҳеч қачон чекинмаймиз.

Шундай қилиб, Эстония ССРда сайлов қонунига қабул қилинган тузатишлар юридик жиҳатдангина эмас, сиёсий жиҳатдан ҳам биз учун номақбулдир.

Бу тузатишлар миллатлараро муносабатларни ҳам, ижтимоий муносабатларни ҳам кескинлаштиришга олиб боради, худди ана шу қайта қуришнинг қийин ва мураккаб вазифаларини ҳал этишга зиддир.

Биз Эстония ССРнинг раҳбарлари, унинг Олий Совети ўзлари қабул қилган қарорларнинг барча миллий ва сиёсий жиҳатларини яна бир карра ўйлаб, чамалаб кўрадилар, вужудга келган аҳволдан чиқиш учун ўзларида куч-қувват топадилар, деб умид қиламиз. Шу нарса ҳам батамом равшанки, республика иш ташлаш комитети ҳам ўз зиммасига бу нинг учун жавобгарлик олишини олиши керак. Фақат бир-бирига пешвоз чиқиб, мулоқот йўли билангина кескинликни юмшатиш ва муаммони ҳал этиш мумкин. Бизда бундан бошқа йўл йўқ, деб таъкидлади А. И. Лукьянов.

СССР Олий Совети Президиуми муҳокама натижаларига кўра фармон қабул қилди, ушбу фармонга мувофиқ Эстония ССРнинг 1989 йил 8 август куни қабул қилинган «Эстония ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Эстония ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ҳақида»ги қонунларининг бир қанча моддалари СССР Конституциясига ва мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқий мажбуриятларига мос эмас, деб эътироф этилди.

Эстония ССР Олий Совети Президиуми 1989 йилнинг 1 октябрига қадар республика Олий Совети кўриб чиқишни учун Эстония ССР Конституцияси ва қонунларининг мазкур нормаларини умумиттифоқ Конституциясига мувофиқлаштириш тўғрисидаги масалани тақдим этиши ахборот учун қабул қилинди.

Шундан кейин мажлисда СССРда жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитетининг составини тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

А. И. Лукьянов комитет раиси этиб тасдиқланди. Комитетга СССР халқ депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг раҳбарлари, таниқли олимлар, жамоатчилик вакиллари кирдилар.

СССР Олий Совети Президиуми кўриб чиқиши учун жиноят содир этган ва афғон қуролли оппозициясига асир тушиб қолган Афғонистондаги совет қўшинлари чекланган қисмининг собиқ ҳарбий хизматчилари жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги масала тақдим этилади. СССР бош прокурорининг биринчи ўринбосари **А. Д. Васильев** шу масала юзасидан доклад қилди. У социалистик инсонпарварликнинг эзгу ниятлари тақозо этган ана шу масалани очишнинг катта ижтимоий-сиёсий ва халқаро аҳамиятини таъкидлади.

Қизғин ўтган мунозараларда Миллатлар Советининг маданият, тил, миллий ва интернационал анъаналарни ривожлантириш, тарихий меросни муҳофаза қилиш масалалари комиссиясининг раиси **Ч. Айтматов**, СССР Олий Советининг мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитети раиси **В. Л. Лапшин** ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

СССР Олий Совети Президиуми муҳокамадан кейин совет раҳбарияти номидан қилинган баёнотни яна бир карра тасдиқлаб қарор қабул қилди, ушбу қарорда таъкидланишича, Афғонистонда асирга тушиб қолган ва Ватанига қайтиб келган барча совет ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқлари сира камситилмайди, улар СССР Конституциясида назарда тутилган гражданларнинг ҳуқуқларидан тўла фойдалана оладилар, улар орасидан кимки ҳуқуққа хилоф ҳаттиҳаракатлар содир этган бўлса, Совет давлати социалистик инсонпарварликнинг олий мулоҳазаларидан келиб чиқиб, уларга мурувват ва раҳм-шафқат қилади. Бундай шахслар содир этилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликдан озод қилинадилар.

Ҳорижий мамлакатларнинг раҳбариятига ва жамоат ташкилотларига собиқ совет ҳарбий хизматчиларини Ватанига қайтариш ҳар жиҳатдан ёрдам ва мадад беришга даъват этиб мурожаат қилиш зарур, деб топилди.

«Жиноят содир этган ва афғон қуролли оппозициясига қўлга асир тушиб қолган Афғонистондаги совет қўшинлари чекланган қисми собиқ ҳарбий хизматчиларини авф этиш тўғрисида»ги СССР Олий Советининг қарори лойиҳаси маъқулланди. Мазкур лойиҳа СССР Олий Совети навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Шу билан СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

## СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**«ЭСТОНИЯ ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЭСТОНИЯ ССР ҚОНУНИ ВА «ЭСТОНИЯ ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЭСТОНИЯ ССР ҚОНУНИ БАЪЗИ ҚОИДАЛАРИНИНГ СССР КОНСТИТУЦИЯСИГА МОС ЭМАСЛИГИ ҲАҚИДА**

СССР Олий Совети Президиуми СССР Конституцияси 119-моддасининг СССР Олий Совети Президиуми зиммасига СССР Конституциясига риоя этилишини назорат қилиш ва иттифоқдош республикаларнинг конституциялари ҳамда қонунлари СССР Конституцияси ва қонунларига мос бўлишини таъминлаш вазифасини юклаган 5-бандига асосан, «Эстония ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ва халқ депутатлари Советларига сайловда қатнашиш ҳамда сайланиш учун ўртоқлик цензини белгиловчи, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг сайловда иштирок этишини чеклаб қўювчи «Эстония ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисида»ги 1989 йил 8 августда қабул қилинган Эстония ССР қонунларининг баъзи қоидалари СССР Конституциясига мувофиқ эмаслигини таъкидлайди.

Эстония ССР қонунларининг мазкур нормалари СССР ратификация қилган халқаро ҳуқуқий актларда, шу жумладан умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладиган ҳамда сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишларини таъминлайдиган чинакам даврий сайловларда ҳар бир граждан ҳеч қандай камситишсиз ва асоссиз равишда чеклашларсиз овоз бериш ва сайланиш имкониятига эга бўлиши лозимлигини кўзда тутган гражданларнинг ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлари халқаро пактида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқларини бузади.

Юқорида баён этилганига асосан ва СССР Конституциясининг 74 ҳамда 76-моддаларига амал қилиб, СССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

1. «Эстония ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1989 йил 8 августда қабул қилинган Эстония ССР қонуни 3-моддасининг 1-қисми ва 4-моддасининг 1-қисми, «Эстония ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисида»ги 1989 йил 8 августда қабул қилинган Эстония ССР қонунининг 2-моддасининг 1 ва 3-қисмлари ҳамда 8-моддаси СССР Конституциясига ва СССРнинг халқаро ҳуқуқий мажбуриятларига мос келмайди, деб ҳисоблансин.

2. Эстония ССР Олий Советининг Президиуми Эстония ССР қонунларининг мазкур нормаларини ССР Конституциясига ҳамда СССР Иттифоқи ратификация қилган халқаро ҳуқуқий актларга мувофиқлаштириш масаласини 1989 йил 1 октябргача республика Олий Советининг кўриб чиқиши учун тақдим этиши маълумот учун қабул қилинсин.

**СССР Олий Советининг Раиси**
**М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва. Кремль.
1989 йил 16 август.

## СССР Олий Совети Президиумида

Арманистон ССРдаги зилзила оқибатларини тугатишда мардлик ва фидокорлик кўрсатганлиги учун СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1989 йил 15 августдаги фармонлари билан Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Киргизистон, Туркманистон ССР Министрлар Советларига, шунингдек халқ депутатлари Москва шаҳар ва область Советлари ижроия комитетларига қарашли корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларидан бир группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Давлат фожиа рўй берган жойга ўз техникаси билан етиб келган қишлоқ қурувчилари, механизаторлар ва автомобилчиларнинг, ҳарбий бўлинмалар билан биргаликда аҳолини иссиқлик, электр энергия билан, Арманистон пойтахти ва марказ ўртасида мустаҳкам алоқани таъминлаган энергетиклар ва алоқачиларнинг, вайрон бўлган районларда эпидемия тарқалишининг олдини олган санитария ва ветеринария врачларининг, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва коммунал-хўжалик ходимларининг ватанпарварлик жасратини юксак баҳолади. Иттифоқ ва иттифоқ-республика министрликлари ҳамда идораларига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари сингари уларни барчаси зилзиладан кейинги дастлабки кунлардаёқ қардош республиканинг азият чеккан халқига дўстлик ва ёрдам қўлини чўздилар, зарар кўрган кишиларга ёрдам беришга катта шахсий ҳисса қўшдилар.

Фармонлар «СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг ведомостлари»да эълон қилинади.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ЎРТОҚ Т. И. ПЎЛАТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, юксак даражадаги бадиий асарлар яратганлиги ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун ёзувчи ўртоқ Темир Исҳоқович **Пўлатовга «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилсин.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**М. ИБРОҲИМОВ.**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Л. БЕККУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1989 йил, 17 август.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ЎРТОҚ В. И. ОҚИЛОВАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Кўп йиллик самарали ижодий фаолияти, Ўзбекистон хореография санъатини ривожлантиришдаги хизматлари, ижодкор ёшларни тайёрлаш ва тарбиялашга шахсий ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон давлат филармонияси «Зарафшон» ашула ва рақс фольклор ансамблининг балетмейстери — республикада хизмат кўрсатган артист Виктория Исоҳоровна **Оқиловага «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилсин.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**М. ИБРОҲИМОВ.**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Л. БЕККУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1989 йил, 17 август.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида фаол қатнашганлиги, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи олдида турган вазифаларни бажаришга шахсий ҳисса қўшганлиги учун ҳарбий кенгаш аъзоси — Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Александр Иванович Овчинниковни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

### ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

## МАТБУОТ ОЛДИНДА БЎЛИШИ КЕРАК

Куни-кеча Пискент районида газетхонлар конференцияси бўлиб ўтди.

— Ахлоқ-одоб мавзуидаги материаллар кам берилмоқда, — деди Пискент нон заводи ишчиси А. Маҳмудов.— Газета редакцияси ижодкорлари бу борада жиддий изланишлари керак.

Марказий, республика газеталарида босилган Фарғона воқеаларига доир хабар, мақолаларда фактлар турлича талқин қилинди, — таъкидлади «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози комсомол ташкилоти секретари Д. Йўлдошев. — Бу ўз навбатида турли «миш-миш»ларнинг тарқалишига сабаб бўлди. Фикримча, матбуот ҳар қандай «миш-миш»лардан олдинда юриши керак. Шундагина «қайноқ эҳтиросларга», шубҳа ва гумонсирашлардан холи бўламиз.

Мулоқотда Тошкент область партия комитети идеология бўлими мудири Т. Қозоқбоев, Муротали йўл қурилиши участкаси мастери Э. Султонов, Тельман номли колхоз партия ташкилотининг секретари Н. Эгамқулов, 11-мактаб ўқитувчиси М. Расулова, район электр тармоқлари идораси диспетчери Ш. Кулибоев, Калинин номли мактаб ўқитувчиси И. Сиддиқов, район «Меҳнат байроғи» газетаси муҳаррири Т. Қосимов ва бошқа ўртоқлар социал-иқтисодий, маданий-маърифий, экология, этика ва эстетика масалаларига доир газета чиқишларини кўпайтириш зарурлиги хусусида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Газетхонлар конференциясида газета муҳаррири ўринбосари Т. Нажмиддинов газетхонларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

**А. МАННОПОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

* * *

Зомин районида ҳам шундай конференция бўлиб ўтди. Унда турли касб эгалари газета мазмун ва мундарижасини яхшилаш бўйича қимматли таклифлар киритдилар.

# КОМИТЕТ МАЖЛИСИ

17 август куни СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов раислигида СССРда жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Халқ депутатлари Горький шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. С. Бодякшин ва Горький области ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи В. А. Потаповнинг жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш ҳамда шаҳарда милицияга кўмаклашувчи ишчилар отрядларини тузиш практикаси ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди. Бундай отрядларни қатъиян ихтиёрийлик асосида, жиноятчиликка қарши курашда фаол қатнашиш ва зарур ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга интилаётган гражданларнинг ўзлари ташкил этмоқдалар. Тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, ишчилар отрядлари шаҳарда жиноятчилик кўпайган мураккаб шароитда тартибни сақлашга, вазиятни соғломлаштиришга, ичкиликбозлик, алкоголизм, ва нашавандликка қарши курашга, давлат ва жамоат мулки, шунингдек гражданларнинг шахсий мулки сақланишини таъминлашга фаол кўмаклашиши мумкин. Отрядларнинг истиқомат жойларда олиб бораётган ишлари жиноятчиликнинг олдини олиш имкониятини оширмоқда.

Меҳнаткашларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш отрядлар фаолиятининг муҳим йўналишидир. Отрядларнинг аъзолари муайян ҳуқуқий тайёргарликдан ўтадилар ва жамоатчиликнинг ўзинизўзи бошқариши соҳасида зарур кўникмалар ҳосил қиладилар. Айни пайтда — бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иши устидан меҳнаткашлар назоратининг бир шакли ҳамдир. Муваққат комитет ишчилар отрядларининг дастлабки тажрибасини қўллаб-қувватлаб, уни ривожлантиришни ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, мамлакатнинг бошқа регионларига жорий этишни тавсия қилди.

Жамоат ташаббусини бутун чоралар билан ривожлантириш, жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоатчилик баҳамжиҳат ҳаракатининг янги ва амалда синовдан ўтган шакл ва усулларидан фойдаланиш зарур, деган хулосага келинди. Гражданлар кўнгилли ташкилотларининг жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги фаолияти қатъиян қонун доирасида амалга оширилиши, кўнгилли халқ дружиналарининг ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаб берувчи норматив актлар талабларига мувофиқ бўлиши, совет кишиларининг кенг қўллаб-қувватлашига таянниши зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда айтиб ўтилганидек, республикалар ва жойларда жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитетларининг иши авж олдирилмоқда. Комитетлар ўз вазифаларини бажара бориб, СССР Конституциясига, СССР ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига риоя этиш асосида иш олиб бормоқдалар. Улар ҳуқуқ-тартиботни қатъиян мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ бузилишларига қарши курашга оид ишларни йўлга қўйишлари зарур. Бунда прокуратуранинг мувофиқлаштирувчи вазифалари, сўзсиз унинг ўз зиммасида қолади. Бироқ мажлисда уқтириб ўтилганидек, бу амалий ишни сафсатабозликка айлантирмаслик муҳимдир.

Прокуратура, ички ишлар, давлат хавфсизлиги, адлия органлари ва судларнинг ҳамма жойда, жумладан ҳуқуқ бузилишларини тўла-тўкис ва узил-кесил рўйхатга олишда, жиноятларни жадал очиш ва тергов қилишда мустаҳкам алоқа ўрнатиб, баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари, судларда ишларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши улар қабул қиладиган тадбирларнинг самарадорлигини анча ошириш ишида энг муҳим йўналишлар бўлиб қолиши зарур. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига моддий-техника ёрдами бериш, уларни билимдон ва ҳалол ходимлар билан мустаҳкамлаш — шу тадбирларни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Комитет халқ депутатларининг обрў-эътиборидан, кўнгилли халқ дружиналари, комсомол оператив отрядлари тартибни қўриқлаш жамоат жойлари, жиноятчиликнинг олдини олиш кенгашлари, ўртоқлик судлари, бошқа жамоат ташкилотларининг имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоат ташкилотларининг жиноятчиликка қарши курашдаги баҳамжиҳат ҳаракатининг милиция ходимлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг биргаликда соқчилик қилиши сингари формаларидан фаол фойдаланиб, жамоат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш керак.

Жиноятчиликка қарши курашнинг ташкилий-сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий-тарбиявий жиҳатларига, ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш, ишламаётган кишилар ва, айниқса, ёшларни ҳамда муайян истиқомат жойи бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш, ҳукм қилинган шахсларнинг аҳлоқини тузатиш ва қайта тарбиялаш, озодликдан маҳрум этилган жойлардан қайтиб келган шахсларнинг социал қўникиши масалаларига эътиборни кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга оид тадбирларни ҳар томонлама ва ҳаққоний ёритиш, бу ишдаги ижобий тажрибани конкрет ва ёрқин мисолларда тарғиб қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг нуфузини ошириш, уларнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини кучайтиришга кўмаклашиши лозим.

Қабул қилинадиган тадбирлар аввал бошданоқ реал самара бериши даркор. Совет кишилари яқин вақтлар ичидаёқ жиноятчиликка қарши қурашда сезиларли силжишларни ҳис этишлари, жиноят қилган ҳар бир шахс муқаррар ҳаққоний жазога тортилишига ишонч ҳосил қилишлари зарур.

Комитет мажлисида СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин, СССР Олий суди раиси Е. А. Соломенцев, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Крючков, СССР Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. Д. Васильев, СССР адлия министри В. Ф. Яковлевнинг СССР Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисида»ги 1989 йил 4 август қарорини бажаришга оид тадбирлар тўғрисидаги ахборотлари маълумот учун қабул қилинди.

СССР Госплани ва СССР Госснаби вакилларининг ички ишлар органларини автотранспорт, ички алоқа воситалари, вертолетлар, бошқа замонавий техника ва ускуналар билан таъминлаш юзасидан қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотлари ҳам тингланди.

(ТАСС).



ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги «Бухоро тўқимачиси» номли кооператив правлениесининг ташкил этилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин кооператив аъзолари аҳолига хизмат кўрсатишни тобора кенгайтирмоқдалар. Чунончи, ўтган йили улар 350 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, ўзлари ишлаб чиқарган буюмларни халққа манзур қила олдилар. Бу йил эса улар ана шундай маҳсулотлардан бир миллион сўмлик ҳажмда тайёрлашга қарор қилишган.

Кооператив цехларида тайёрланаётган пойабзаллар, кийим-кечаклар анча харидгир бўлиб қолди. Ҳозирнинг ўзида уларда 108 турдаги моделда маҳсулот тикиб реализация қилинмоқда. Пойабзал цехи, мебель тайёрлаш цехи, бичиш-тикиш, ўраш цехлари мусобақада олдинги ўринларни эгаллаб туришибди.

Суратда: тикувчилик цехининг пешқадам ишчиси Муҳаббат Тошматова. Ойлик топшириқларини у 120—130 процентга етказиб бажармоқда.

Х. Қурбонов сурати.

# УЧРАШУВ БОШЛАНДИ

ТАЛЛИН, 17 август. (ЭТА—ТАСС). Бугун Таллинда республика иш ташлаш комитетининг республика раҳбарлари билан учрашуви бошланди. Республика раҳбарияти томонидан учрашувда ЭССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. Рюйтель, ЭССР Министрлар Советининг Раиси И. Тооме, ЭССР касаба союзлари кенгашининг раиси М. Педак, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Б. Упси, Таллин шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. Силлари, ЭССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. Вескиваяли ҳамда ЭССР Олий Совети Президиумининг секретари А. Альманн қатнашмоқдалар. Иш ташлаганларнинг вакиллари билан учрашувда СССР Олий Совети Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссиясининг раиси Г. С. Таразевич бошчилигидаги СССР Олий Совети депутатлари группаси ҳамда Эстония ССРдан сайланган СССР халқ депутатлари қатнашмоқдалар.

Кохтла-Ярва шаҳрида шаҳар иш ташлаш комитетининг мажлиси бўлди.

**Бекободда Ўзбекистон металлургия заводини хом ашё билан таъминлаш чораларини муҳокама қилган кенгаш мазкур корхона электр пўлат қўйиш ва мартен цехларини кўздан кечириш билан бошланди.**

*Ўзбекистон металлургия заводи:*

# ХОМ АШЁ ТАНҚИСЛИГИ

Ўзбекистон металлургия заводи унинг қуюв печларига ташлаш учун ҳеч нарса йўқлиги сабабли планларни барбод қилмоқда, мамлакатга шу муҳим маҳсулотни кам етказиб бермоқда. Республика корхоналари қора ва рангли металл парчаларини тайёрлаш (топшириш) вазифаларини мутгасил бажармаяптилар.

Область ижроия комитетлари, министрликлар, идоралар, корхоналар ва муассасалар, шаҳар партия комитетларининг Бекободга таклиф этилган раҳбарлари ишчилар билан жонли, ишонарли суҳбатларда юзага келган аҳволнинг қай даражада ўткирлигини аниқлаб олдилар. Ўрта Осиё қора металлургиясининг энг катта корхонаси йил бошидан бери 61 минг тонна металл парчани кам олди. Фақат Наманган области плиндан ташқари металл парчани етказиб бермокда, бошқалар эса анча орқада қолиб кетдилар. Қолоқлар орасида 12,5 минг тонна кам металл парча берган Тошкент области бор. Бунинг натижасида юз тоннали электр печлари ҳар сменада беш соатгача тўхтаб қолмоқда. Бундай аҳвол ижара шароитларида металлурглар оилаларининг ҳамёнига жуда катта зарба беради.

Ишчилар ҳамма муаммоларни меҳмонларга айтдилар. Ўзбекистон металлургия заводининг директори сухбатга якун ясади. У меҳнат коллективи металл парчалари етказиб бериш планларини бажараётган корхоналарга прокат ортиб жўнатишга қарор қилганлигини айтди.

Таҳлил-кенгашини ўтказган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков республиканинг қора металларга бўлган эҳтиёжи ўз ишлаб чиқариш ҳисобига атиги 23 фоиз бажарилаётганлигини таъкидлади. Қолганларини эса миллионлаб пул сарфлаб бошқа регионлардан ташиб келтиришга тўғри келмоқда. Ҳолбуки, Ўзбекистонда металл парчалар кетрагидан ҳам ортиқ даражада бор. Ўзбекистонда ҳар йили фойдаланиладиган 4,5 миллион тонна металлнинг атиги 60 фоизи ишлатилади, қолганлари эса уларни топшириш планларини ошириб бажариш эришилган даражадаги кўрсаткични яна оширишга мажбур қилади, деб ҳавотирга тушаётган баъзи раҳбарлар туфайли ортиқча юк сифатида чиқинди бўлиб ётибди. Юк тушириш ва ортиш базалари ҳамда металл парчалар тайёрлаш пунктларини ташкил этиш тўғрисида бош қотирмаган «Узворторгмет» республика бирлашмасига ҳам эътирозлар айтилди. Айрим раҳбарларнинг суст назорат ўрнатганлиги, ўз сўзларида турмасликлари, интизомсизликлари республикага ҳамда мамлакатга жуда зарур бўлган турли прокат ва юқори сифатли пўлат ишлаб чиқаришни барбод қилиши мумкин. Янги қурилишларнинг тўхтаб қолиш, кўпгина саноат корхоналарининг бир маромда ишлашига путур етиш хавфи туғилди.

Кенгаш қатнашчилари Бекобод металлургларига металл парчалар етказиб беришни кескин кўпайтириш тадбирларини белгиладилар. Жумладан мазкур кўрсатгич бўйича топшириқларни бажараётган область раҳбарларигагина лимитдан ташқари пўлат ортиб жўнатишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

# ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

18 август куни «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида Афғонистон Республикасининг миллий байрами — мустақиллик қайта тикланган кун санаси муносабати билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан кишилар афғон халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашда машаққатли йўлни босиб ўтганлигини айтдилар. Совет Иттифоқи оғир синов йилларида қўшни давлатга қардошлик ёрдамини бериб келди ва ёрдам бермоқда. Бу олижаноб ишга Ўзбекистон ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ҳозирги пайтда жафокаш афғон диёрида ҳамон қон тўкилмоқда. Муайян империалистик доиралар миллий адоватни авж олдириб, афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишга тўсқинлик қилмоқдалар. Аммо ўзининг мустақил ривожланиш йўлини танлаб олган халқни букиб бўлмайди.

Митинг иштирокчилари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораверади, деб ишонч билдирдилар.

Митингда Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули Ғ. Ҳ. Ҳамгар нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

# Дунё овози



## ҚИЗҒИН ЖАРАЁН

**Бундан қирқ тўрт йил муқаддам Вьетнамнинг кўп асрлик тарихида янги саҳифа очилди. 1945 йилнинг 19 августида бошланган революция халқнинг катта ғалабаси билан якунланди.**

Вьетнам халқи мазкур тарихий сана — Революция кунини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида янгиланиш қизғин кетаётган шароитда байрам қилмоқда. Мамлакатда социал-иқтисодий тадбирларни қарор топтириш учун кўрилаётган чоралар, ҳуқуқ ва тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда халқнинг турмуш даражасини янада ошириш учун қизғин кураш жараёни давом этмоқда.

Социал ва иқтисодий соҳада мамлакатда вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишда Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар катта ёрдам бераётир. Вьетнам Социалистик Республикасининг меҳнатсевар халқи мазкур машаққатларни бартараф этиш учун қатъий бел боғлаган.

Суратда: Вьетнамнинг хушчақчақ болалари акс эттирилган. Уларнинг юзларидаги табассум ҳар доим барқ урсин.

**А. ШОГИН** сурати (ТАСС).

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

### Яқин Шарқ можароси тезроқ ҳал этилсин

● **ТУНИС. Тунис пойтахти яқинидаги Шёарда Америка томонининг илтимосига кўра ўтказилган Америка — Фаластин мулоқотининг тўртинчи давраси тугади.**

Учрашувда АҚШнинг Тунисдаги элчиси Р. Пеллетро ва Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг аъзоси Я. Абд Раббо иштирок этдилар.

Я. Абд Раббонинг айтишича, учрашувда Яқин Шарқ муаммосини бартараф этиш жараёнига доир фикрлашув бўлиб ўтди. Фаластин вакили Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференцияни чақириш муҳимлигини таъкидлади. Конференцияда Фаластин Озодлик ташкилоти ҳам иштирок этиши зарур.

### Норозилик юриши

● **БЕЛФАСТ. Вилоятнинг катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи Лондондерри шаҳрида Шимолий Ирландияга Британия қўшинларн олиб кирилган кунининг 20 йиллиги олдидан кўп минг кишилик норозилик юриши ўтказилди.**

Беш мингдан ортиқ намойишчи шаҳар кўчаларидан унинг маркази томон юриб бориб, Англия солдатлари Ольстердан олиб чиқиб кетилишини талаб қилди. Католикларнинг Шинн фейн партияси — Ирландиянинг яширин ҳолатда иш кўраётган республика армиясининг ўнг қаноти вакиллари колонна олдида бордилар. Улар ўзларининг асосий мақсади — Ольстерда Британия ҳукмронлигига чек қўйилишига ва унинг қўшни Ирландия билан қайта бирлаштирилишига эришиш учун террор усулларини танлаганлар.

(ТАСС).

СОВЕТ—МОНГОЛ ҚЎШИНЛАРИ ХАЛХИН-ГОЛДАГИ ҒАЛАБАСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

# ТАРИХ САБОҒИ

**МХРП Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ монгол халқи қардош дўстлари билан биргаликда совет-монгол қўшинлари 1939 йилда Халхин—Гол дарёси районида япон босқинчилари устидан қозонган ғалабанинг 50 йиллигини тантанали нишонламоқда.**

1931 йилда Маньжурияни босиб олган Япония Монголия Халқ Республикасига бостириб киришга зўр бериб тайёргарлик кўра бошлади. 1935 йилларда япон босқинчилари МХРнинг шарқий чегарасида қуролли иғвогарликларга қўл уришди, лекин муносиб зарбага учрадилар. Ўшанда бутун жаҳонга Совет ҳукуматининг агар Япония Монголия мустақиллигига тажовуз қилиб, унга бостириб кирадиган бўлса, Совет Иттифоқи МХРга ёрдамга келиши тўғрисидаги баёноти янграганди. МХР ва СССРнинг чегарадаги можароларни тинч йўл билан бартараф этишга қаратилган куч-ғайратларига қарамай Японияннинг милитаристик доиралари МХР чегарасида иғвогарликларни авж олдириб юборди. Ана шундай шароитларда МХР ва СССР ҳукуматлари 1936 йилнинг 12 мартида Улан-Баторда мамлакатларимиз ўртасида ўн йиллик муддатга мўлжалланган ўзаро ёрдам тўғрисидаги протоколни имзолади. 1939 йилда Ҳасан кўлидаги жанглрда Совет Армиясининг қатъий зарбасига учраган Япония Квантун армиясининг қўмондонлиги янги ҳужумларга тайёргарлик кўра бошлади. Жаҳон узра эса урушнинг қора булутлари қуюқлашаётган эди.

1939 йилнинг февраль — мартида МХР чегарасида япон самурайлари чегарачиларимизга қарийб 30 марта ҳужум қилишди. Совет ҳукумати Монголия чегараларидаги вазият кескинлашиши муносабати билан Протоколга мувофиқ можаро районига Қизил Армия қисмларини юбориш ҳақида кўрсатма берди. Квантун армияси қўмондонлиги муваффақиятсизликка учраганига қарамай июль ойи бошларида МХР чегараларида йирик кучларни тўплади. Кучларда анчагина устунлик яратган Япония қўмондонлигининг тезда ғалаба қозонишига умиди катта эди. Баян—Цаган тогидаги уч кеча-кундуз давом этган жангда душман қарийб барча танклари, артиллерия ва самолётларининг каттагина қисмидан, сал кам 10 минг кишисидан маҳрум бўлди. 20 августда совет-монгол қўшинлари ҳужумга ўтишди ва 30 августда МХР территорияси босқинчилардан батамом тозаланди. 16 сентябрда маҳаллий вақт билан соат 14 да барча жанговар ҳаракатлар тўхтатилди. Шундай қилиб 1939 йилнинг майидан сентябригача Халхин—Гол дарёси районида давом этган қаттиқ жанглар совет—монгол қўшинларининг япон босқинчилари устидан зўр ғалабаси билан якунланди. Бу Япония ҳукуматининг ташқи сиёсий позицияларига жиддий таъсир ўтказди ва уни иккинчи жаҳон уруши йилларида СССР ва МХРга қарши чиқишлардан тийиб турди.

Халқ Монголияси озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган жангларда совет жангчилари мислсиз матонат, оммавий қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатдилар, ўз жонларини фидо қилдилар. Миннатдор монгол халқи улар хотирасини доимо эъзозламоқда. Халхин-Голдаги жанговар ҳаракатлар халқларимиз қардошларча дўстлигининг мустаҳкамлигини ва кучини намойиш этди. Бу дўстликка улуғ Ленин ва монгол халқининг шонли фарзанди Сухэ-Батор асос солганди.

Халхин-Голдаги ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш тинчлик учун, уруш хавфига қарши курашда ҳамда ёшлар ва меҳнаткашларни социалистик интернационализм принциплари руҳида тарбиялаш ишида бениҳоя аҳамиятга молик. Ж. Батмунх ва М. С. Горбачев ўртоқларнинг шу йил июлида бўлган Москвадаги учрашуви партияларимиз ва давлатларимизнинг халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстликни янада мустаҳкамлашга бўлган интилишини яна бир карра кўрсатди.

Халхин-Голдаги шонли ғалаба монгол-совет дўстлиги ва қардошлигининг ёркин солномасида абадий муҳим воқеа ҳамда империалистик босқинчиларга жиддий сабоқдир.

**Ц. БУЯНТОГТОХ,**
**МХРнинг Тошкентдаги бош консули.**

# МУСУЛМОНЛАР ҲАЁТИ БИЛАН ТАНИШУВ

Жаҳон ислом уюшмасининг бош котиби Абдулла Умар Насиф Ўзбекистон мусулмонлари ҳаёти билан танишди. У СССР Европа қисми ҳамда Сибирь мусулмонлари диния бошқармасининг 200 йиллигига бағишланган тантанали анжуманда қатнашиш учун СССРга келган эди.

А. У. Насифни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида меҳмонга республикада қайта қуришнинг бориши тўғрисида ахборот берилди. Қайта қуриш СССР граждапларининг маънавий камолотига кенг имкониятлар очаётганлиги таъкидланди. Ўзбекистонда кейинги ярим йил ичида 50 та янги масчит очилди, ҳукумат диний маросимларни ўтказишга мўлжалланган бир қанча биноларни диния бошқармаси ихтиёрига берди. Ислом ўқув юртларига қабул қилиш кўпаймоқда. Мусулмонларнинг илтимосларига кўра бошқа масалалар ҳам ҳал этилмоқда.

Учрашувда диний ташкилотларнинг тинчлик йўлидаги катта фаолияти тўғрисида гапирилди. Улар В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ Болалар фонди билан фаол ҳамкорлик қилишмоқда, кексайиб қолган ва муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатиш юзасидан «раҳм-шафқат» режаларини амалга оширишда қатнашмоқдалар.

Абдулла Умар Насиф мамлакатда бўлаётган қайта қуришга юксак баҳо берди. Қайта қуриш диний эътиқод эркинлиги учун, турли мамлакатлардаги диндорлар ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очмоқда, деб таъкидлади у.

Учрашув чоғида иккала томон Ўзбекистон билан мусулмон давлатлари ўртасида иқтисодий ҳамда бошқа муносабатларни ривожлантириш масалаларини кўтарди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасининг раиси муфти Муҳаммадсодиқ Муҳаммад Юсуф қатнашдилар.

Меҳмон Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасига борди, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

(ЎзТАГ).



# ҲОСИЯТЛИ ЭКИН

**НАМАНГАН ОБЛАСТИ.** Чортоқ райони хўжаликлари мальва гулбахмали гулбаргини йиғиштириб олишга киришдилар. Райондаги хўжаликлар учун янги бўлган бу экин экстракти озиқ-овқат маҳсулотларига ранг беришда ишлатилади.

«Чортоқ» совхозида мальва гулбахмалини етиштираётган Азизбоевлар оилавий звеноси унинг иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлигини яхши билишади. Чунки олинган гулбаргнинг ҳар бир килограмми учун деҳқонга 7 сўм ҳақ тўланади. Ҳар гектар ерга экилган экиндан икки минг сўмдан знёд фойда олиш мумкин.

Мальва гулбахмали чорва молларн учун ҳам тўймли озуқа ҳисобланади. Ҳар гектар ердаги экиндан 700 центнерга етказиб яшил масса олинади. Мальва гулбахмалидан тайёрланган ўт уни, силосни моллар иштаха билан ейди, маҳсулдорлиги тез ортади.

Шунинг учун ҳам деҳқонлар мальва гулбахмалини етиштиришга қизиқиб қолишди. Ҳозир район хўжаликларида 110 гектар ерда бу экин ўстирилмоқда.

Суратда: Холисхон ва Муродилло Азизбоевлар гулбарг теришаётир.

А. КОВТУН сурати (ЎзТАГ).

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ЖИЗЗАХ, 18 август. (ЎзТАГ). Бу ерда Сирдарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари халқ депутатлари маҳаллий Советлари тўла ҳокимиятини таъминлаш ва сиёсий система ислоҳотини амалда рўёбга чиқариш соҳасида область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков доклад қилди.

## Эрон раҳбарининг шарти

● **ТЕҲРОН. Эрон Ислом Республикасининг раҳбари Сайёд Али Хаменеи Вашингтон Исроилнинг сионист раҳбариятини қўллаб-қувватлашга чек қўймагунча, Қўшма Штатлар билан мулоқот ўтказиш эҳтимолини истисно қилди.**

Теҳрон радиосининг хабар беришича, у Эрон билан музокаралар олиб бориш учун АҚШ ўртага қўйган шартларни «ҳақоратомиз», деб атади.

С. А. Хаменеи Теҳрон «Ирок ўз қўшинларини Эрон территориясидан олиб чиқиб кетган» тақдирда Бағдод билан бевосита тинчлик музокараларини олиб боришга тайёр эканлигини ҳам айтди.

# ТЕЛЕҲАФТАЛИК

## 21 август, душанба

**ЎзТВ-I.** 16.00 Болалар учун фильмлар. 16.50 «Қувноқ эскадрон». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Концерт. 18.45 Мультфильм. 18.55 Адабий композиция. 19.25 Инсон ва қонун. 20.00 Ахборот. 20.20 Қўшрабод муаммолари. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Парвона». Спектакль.

**МТ-I.** 7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Тезюрар поезд». Бадиий фильм. 11.00 «Биз пензаликларміз». 11.40 Навқирон кино. 13.10 Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.50 «Петров ва Васечкининг оддий, ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия. 16.55 Ҳужжатли фильмлар. 17.55 Мультфильмлар. 18.20 Концерт. 19.00 Ҳужжатли фильм. 19.55 Футбол шарҳи. 20.25 «Театр». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.05 «Театр». Бадиий фильм, 2-серия. 23.15 Дунё воқеалари. 23.30 Испан операси юлдузлари.

**МТ-II.** 9.00 Гимнастика. 9.20 Илмий-оммабоп фильм. 10.20 Асрлар қаридан таралган куйлар. 10.45 Итальян тили. 11.15 Бор бўл, мусиқа! 12.00 Бу дунёни ҳаяжонлантирмоқда. 12.15 «Тўрт таничи ва ит». Бадиий фильм, 15-серия. 13.10 Ҳужжатли фильм. 13.40 «Мария Медигининг қутиси». Бадиий фильм. 15.10 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 17.30 Янгиликлар. 17.40 Сув спорти. Европа чемпионати. 18.25 Ҳужжатли фильм. 18.35 Сув спорти. Европа чемпионати. 19.20 Литва бугун ва эртага. 20.30 Хайрли тун, қичқинтойлар! 20.45 «Қўлбола». 21.15 Халқ куйлари. 21.30 Время. 22.05 Ҳужжатли фильмлар. 22.55 Янгиликлар. 23.05 Тонгги почта.

## 22 август, сешанба

**ЎзТВ-I.** 16.00 Кинопрограмма. 16.50 «Баҳорги одимпиада ёки хор бошлиги». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ёшлик. 19.00 Футбол. «Пахтакор» — «Даугава». 20.50 Киноолвқа. 21.00 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Долзарб мавзу. 22.50 «25-камерадаги қиз». Бадиий фильм.

**МТ-I.** 7.00 «120 минут». 9.05 «Театр». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 11.20 Фильм-концерт. 11.50 Ҳужжатли фильм. 12.40 Бу бўлганди, бўлганди... 13.00 Дунё бўйлаб. 16.05 «Петров ва Васечкининг оддий, ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм, 2-серия. 17.15 «Бор бўл, муси-ка!». 17.55 Ҳужжатли фильм. 18.30 Концерт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Сени севаман, ҳаёт. 19.35 Шу куннинг почтаси. 20.10 «Улар Ватан учун жанг қилдилар». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.05 Театр ва замон. 23.40 Дунё воқеалари. 23.55 Фильм-концерт.

**МТ-II.** 9.00 Гимнастика. 9.20 Илмий-оммабоп фильм. 9.50 Мультфильм. 10.00 Концерт. 10.30 Француз тили. 11.00 Биз билан бирга, худди биздек, бизлан ҳам яхшироқ бажар. 12.00 Янгиликлар. 12.10 «Тўрт таничи ва ит». Бадиий фильм, 16-серия. 13.10 Мультфильм. 13.30 Француз тили. 14.00 «Ўзга сайёралик қиз». Бадиий фильм. 15.20 Ритмик гимнастика. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Амур жилолари. 18.10 «Мангу қўшиқ». Бадиий фильм. 19.20 Мультфильм. 19.30 Экология ва жамият. 20.30 Хайрли тун, қичқинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 1989 йил қўшиқлари. 21.30 Время. 22.05 «Қора тўп» билан содир бўлган можаро». Бадиий фильм. 23.50 Янгиликлар.

## 23 август, чоршанба

**ЎзТВ-I.** 16.00 Кинопрограмма. 16.50 «Стратион қизи». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Сен ҳақингда ва сен учун. 19.00 Халқаро ҳаёт. 19.30 Элга хизмат: талаб ва тақлиф. 20.00 Ахборот. 20.20 Киножурнал. 20.30 Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 21.25 Реклама. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Лирик концерт. 23.05 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари.

**МТ-I.** 7.00 «120 минут». 9.05 Бор бўл, мусиқа. 9.45 «Улар Ватан учун жанг қилдилар». Бадиий фильм, 1-серия. 11.05 Театр ва замон. 12.40 Камалак. 13.00 Ҳужжатли фильм. 16.05 «Петров ва Васечкининг оддий, ғаройиб таътиллари». Бадиий фильм, 1-серия. 17.10 Музикали хазина. 17.55 Мультфильм. 18.15 Руминиянинг миллий байрами — Озодлик куниға. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильмлар. 20.00 Халқ куйлари. 20.15 «Улар Ватан учун жанг қилдилар». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 Время. 22.05 Фильм-концерт. 22.45 Кинорежиссёр Г. Франк билан учрашув. 00.15 Дунё воқеалари.

**МТ-II.** 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.55 «Венера Илльская». 10.35 Немис тили. 11.05 Концерт. 11.35 Ҳужжатли фильм. 11.50 Мультфильм. 12.00 Янгиликлар. 12.10 «Тўрт таничи ва ит». Бадиий фильм, 17-серия. 13.05 Мультфильмлар. 13.30 Немис тили. 14.00 «Ўрта ёшлилар қувончи». Бадиий фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Мультфильм.

## 24 август, пайшанба

**ЎзТВ-I.** 16.00 «Одамлар ишонинг менга». Бадиий фильм 17.45 Телефильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Чим хоккей. «Политотдел» — «Текстильшчик» (Тирасполь). 18.50 Мультфильм. 19.00 Тилга эътибор. 19.45 Комсомол прожектори. 20.00 Ахборот. 20.20 Шўртан бугун ва эртага. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Васият». Бадиий фильм.

**МТ-I.** 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.30 «Улар Ватан учун жанг қилдилар». Бадиий фильм, 2-серия. 10.45 Янгра, гармон! 12.00 Кинорежиссёр Г. Франк билан учрашув. 13.30 Ф. Лист асарларини РСФСР халқ артисти Р. Керер ижро этади. 16.05 «Петров ва Васечкининг оддий, ғаройиб таътиллари». Бадиий фильм, 2-серия. 17.15 Ҳужжатли фильмлар. 17.55 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.40 «Теле. ЭКО» журнали. 19.10 Мультфильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Қалб қўри йўғрилган Ер. 20.05 «14 қизил уй». Спектакль. 21.30 Время. 22.05 Спектакль-нинг давоми. 23.35 Дунё воқеалари. 23.50 1989 йил қўшиқлари.

**МТ-II.** 9.00 Гимнастика. 9.20 Поэзия. 10.30 Испан тили. 11.00 Мультфильмлар. 11.30 Бекинмачоқ ўйнаймиз. 12.00 Янгиликлар. 12.10 «Тўрт таничи ва ит». Бадиий фильм, 18-серия. 13.10 Концерт. 13.30 Испан тили. 14.00 «Учрашув». Бадиий фильм. 15.05 Ҳужжатли фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Болалар учун фильм. 18.25 Давр ҳақида ва ўзим ҳақимда. 18.40 Ҳужжатли фильм.

## 25 август, жума

**ЎзТВ-I.** 15.40 Мультфильм. 16.30 «Васият». Бадиий фильм. 18.10 Мультфильм. 18.30 Шоирлар — болаларга. 19.00 — Футбол. «Пахтакор» — «Карпати». Танаффусда — «Ахборот». 20.50 Ёзувчи ва замон. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Концерт. 23.05 Эртага премьера.

**МТ-I.** 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.30 «Улар Ватан учун жанг қилдилар». 10.40 Спектакль. 13.30 Концерт. 14.00 Умринг боқий бўлсин, Ер. 14.05 Болалар учун фильм. 17.30 СССР Давлат камер оркестри чалади. 17.55 Фан: назария, тажриба, практика. 18.40 Интерсигнал. 19.10 Дунё воқеалари. 19.25 Кемероводан репортаж. 19.45 Врач-психотерапевт. А. Кашпировский билан учрашув. 21.30 Время. 22.05 Бу бўлган... бўлганди... 22.25 «Куз» Бадиий фильм. 23.55 Дунё воқеалари. 00.10 Гитарали кишилар қанча кўп бўлса...

**МТ-II.** 9.00 Гимнастика. 9.20 Илмий-оммабоп фильмлар. 10.20 Инглиз тили. 10.50 Овунчоқлар. 11.20 Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.00 Янгиликлар. 12.10 «Тўрт таничи ва ит». Бадиий фильм, 19-серия. 13.05 Мультфильмлар. 13.30 Инглиз тили. 14.00 «Мана мен кеддим». Бадиий фильм. 15.30 Ритмик гимнастика. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Болалар учун фильм. 18.25 Давр ҳақида ва ўзим ҳақимда. 18.40 Ҳужжатли фильм.

## 26 август, шанба

**ЎзТВ-I.** 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Буратиноннинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия. 11.05 Объективда қайта қуриш. 11.35 Телеальманах. 12.25 «Иқбол». 14.05 Замандас. 15.05 Композитор ва шоир Т. Носирий — меҳмонимиз. 15.35 «Ёшлик». 18.05 Мультфильм. 18.25 Тенгдошлар. 19.20 Спорт кинопанорамаси. 20.00 Ахборот. 20.20 Назм ва наво. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Жиноят қидирув бўдими бошлиғининг ҳаётидан». Бадиий фильм.

**МТ-I.** 7.00 «120 минут». 9.05 Сиз яратган боғ. 9.35 Инсон институти. 10.35 Ҳужжатли фильм. 11.40 Ҳайвонот оламида. 12.40 Дунё воқеалари. 12.55 Концерт. 13.15 Социализм мамлакатларида. 13.45 Фильм-концерт. 14.25 Концерт. 17.00 Оила экрани. 18.25 Расмлар олами. 19.05 Халқаро программа. 20.05 «Уруш арафасида». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 «Одамлар ва манекенлар». Бадиий фильм, 2-серия. 23.20 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг.

**МТ-II.** 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 Концерт. 10.15 «Тунда айтилган эртак». Бадиий фильм. 11.30 «НТМ». 11.45 Камчатка телевидение студиясининг программаси. 13.00 Спорт разминкаси. 13.05 Концерт. 13.35 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.40 «Қайрилиб, олдинга боқ». 14.10 Концерт. 14.25 «ТВ TV ҳақида». 15.20 КВН-89. 16.45...16 ёшгача ва ундан катталар. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Музикали абонемент. 18.45 Шоирнинг қайтиши. 20.05 Концерт. 20.30 Хайрли тун, қичқинтойлар! 20.45 Универсиада. 21.25 Реклама. 21.30 Время. 22.05 «Тупроқсиз боғ». Телеспектакль. 00.45 Янгиликлар.

## 27 август, якшанба

**ЎзТВ-I.** 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Оила даврасида. 10.40 Виргалинда куйлаймиз. 11.05 «Буратиноннинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия. 12.15 Светофор. 13.00 Амалий давра столи. 14.00 «Ой тутилган тунда». Спектакль. 15.35 «Аёл ҳуснининг гавҳари». 16.05 «Уй-жой — 2000». 18.00 Мультфильм. 18.10 Болалар ва театр. 19.20 Қадрият. 20.00 Ахборот. 20.20 Шеърият дафтаридан. 20.30 Якшанба оқшомида. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Совет киноси 70 йилдигига.

**МТ-I.** 8.20 Ритмик гимнастика. 8.50 Спортлото. 9.00 Калмалак. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Мультфильм. 14.35 Мусикали киоск. 15.05 Здоровье. 15.50 Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 15.55 Очиқ эшиклар куни. 16.45 Қишлоқ янгиликлари. 17.45 Халқаро панорама. 18.30 Кинопанорама. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Футбол. «Спартак» — «Днепр».

**МТ-II.** 8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 «Экран юлдузи». Бадиий фильм. 10.10 «01» хизмати. 10.40 Ҳужжатли фильмлар. 11.30 Янгиликлар. 11.40 Давр ҳақида ва ўзим ҳақимда. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Телеочерк. 13.30 Концерт. 13.40 Етти довюрак. 14.40 Ҳужжатли фильм. 15.25 Волейбол. Халқаро турнир. 16.10 «Дон Жуан ёки геометрик муҳаббат». Телеспектакль. 18.15 СССР ИИМ хабар қилади. 18.25 Тожикистон ҳақида очерк. 19.05 Реклама. 19.10 Классик кураш. Жаҳон чемпионати. 19.55 Мультфильм. 20.15 1989 йил қўшиқлари. 20.30 Ҳайрли тун, қичқинтойлар! 20.45 Спорт ва шахс. 21.15 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Фильм-концерт. 23.15 Ленинград — Лондон телекўприги. 00.15 Янгиликлар.

## Қишлоқ меҳнаткашлари учун

«Қарақалпақресагрос т р о й» бирлашмаси бинокорлари Элликқалъа районидаги «Қирқкизобод» колхозида қишлоқ участка касалхонаси қурилишини ниҳоясига етказадилар. Касалхона дастлабки беморларни қабул қилди. Энди қишлоқ аҳли тиббий ёрдам олиш учун район марказига бориб юрмайди.

50 ўринли, икки қаватли бу бино хўжалик марказий кўрғони меъморчилик ансамблини тўлдирди. Бу ерда қишлоқ клуби, ижтимоий-сиёсий марказ, болалар боғчаси ва ёзги кинотеатр бунёд этилган.

(ЎзТАГ).
Қорақалпоғистон АССР.

## Халқаро семинар

Жанубий Америкадаги тўққиз мамлакат ирригаторлари республикамиз мисолида сув ресурсларини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш масалаларини ўрганиш учун Ўзбекистонга келишди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисод комиссияси Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари учун уюштирган ва Тошкентда очилган семинар программасига сув хўжалиги соҳасидаги етакчи мутахассисларнинг лекциялари, Ўзбекистоннинг энг катта гидроиншоотларига бориш, Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш тажрибасини ўрганиш киритилган. (ЎзТАГ).

## СОВЕТ—ЯПОН ЭКСПЕДИЦИЯСИ

**Жанубий-шарқий Осиёдан Европага қадар чўзилган қадимий Ипак йўли ўз бағрида афсоналар ва жумбоқларини яширган. Уни ўрганиш программасига қўшма совет—япон археологик экспедицияси ҳам киритилган.**

18 август куни республика Фанлар академияси Санъатшунослик институти ҳамда Токиодаги Соко университети тадқиқотчилари группаси Тошкентдан жўнаб кетишди. Улар Сурхондарё областининг Далварзинтепа деган ерига боришади.

— Бу ер етарли даражада чуқур ўрганилган,— деди экспедиция жўнаб кетиши олдидан унинг совет қатнашчиси Эдуард Ртveладзе. — Лекин япониялик ҳамкасбларимизни қизиқарли бир факт ўзига жалб этди. Бу ерда Кушон давлатининг ўзига хос машҳур маданияти Шаҳристонида совет олимлари буддизм пайдо бўлиши манбаларидан шаҳодат берувчи далилларни топганлар. Бундан ташқари, япониялик ҳамкасбларимиз Ўрта Осиёда истиқомат қилаётган халқлар этнографияси билан ҳам қизиқмоқдалар.

Шарқдаги қўшнимиз ва ўзбек олимлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома олти йилга мўлжалланган. Унда Японияда ҳам худди шундай археологик қидирув ишларини биргаликда олиб бориш назарда тутилган. Археологларимиз келаси йили қўёш мамлакати тарихий жумбоқларини ечишда қатнашадилар.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

**Франция Социалистик партиясининг бош делегати Д. Мершез Ўзбекистон ҳаёти билан танишди.**

У Тошкент, области колхозларига борди, музейларда бўлди, пойтахтнинг бошқа диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди. «Правда Востока» газетаси редакциясида суҳбат бўлди.

Меҳмон Самарқанд ва Бухорога сафар қилди, қадимий шаҳарларининг тарихий ёдгорликлари билан танишди.

(ЎзТАГ).

# БУКИЛМАС ИРОДА

### Қирқ беш йил муқаддам рўй берган сиёсий қотиллик



«Бу уйда Германия Коммунистик партиясининг Раиси Эрнст Тельман яшаган. 1886 йил 16 апрелда Гамбургда туғилган, 1933 йил 3 мартда Берлинда гестапо томонидан қамоққа олинган, йигирма йиллик қамоқдан сўнг 1944 йил 18 августда Бухенвалъд концентрацион лагерида қатл этилган». Гамбургнинг Терпенбекштрассе кўчасидаги 66-уй деворига ўрнатилган меъморнал тахтачага ана шу сўзлар ёзилган.

Гамбургликлар бу уй олдидаги майдонни кўпдан бери «Қизил майдон» деб атайдилар. Ишчилар, уларнинг оилалари ҳар йили Тельман туғилган, қатл этилган кунлар муносабати билан шу ерга тўпланиб, букилмас иродали коммунист, халқаро ишчилар ҳаракатининг оташин арбоби хотирасини чуқур ҳурмат билан ёдга оладилар.

Эрнст Тельман оғир меҳнат машаққатларини эрта тотиб кўради: 16 ёшида отаси билан келиша олмай, уйидан чиқиб кетиб, портда, тегирмонда ишлайди. «Бу ерда мен эксплуатациянинг капиталистик системаси ва унинг усуллари бўйича биринчи муфассал сабоқни олдим», деб эслайди у кейинчалик.

Ўн етти ёшидаёқ Тельман социал-демократик партияга, кейин касаба союз аъзолигига киради. Социалистик адабиётларни қунт билан ўрганади ва ўзининг ноёб ташкилотчилик, ташвиқотчилик таланти туфайли Гамбург ёшларининг етакчисига айланади.

1915 йил январида Тельман армияга сафарбар этилиб, фронтга жўнатилади. Бу ерда у хавф-хатар остида бўлса ҳам революцион иш олиб боради, солдатлар орасида урушга қарши ташвиқотни йўлга қўяди. Умуман, биринчи жаҳон урушининг бошиданоқ Тельман пролетар интернационализми мавқеида туриб, социал-демократик лидерларнинг социал-шовинистик сиёсатига, уруш ва уни бошлаганларга қарши чиқди.

Социал-шовинистларнинг айби билан Германия социал-демократик партиясида бўлиниш рўй беради ва 1917 йил апрелида Германия Мустақил социал-демократик партияси тузилади. Ана шундан эътиборан Тельман ўзини шу партиянинг аъзоси деб ҳисоблай бошлади.

XIX асрнинг 20-йилларига келиб, Тельман эътиқодли коммунист сифатида шаклланади. У Улуғ Октябрь социалистик революциясини фаол ҳимоя қилади. Бу революция унинг бундан буёнги коммунист-интернационалист сифатидаги сиёсий йўлини узил-кесил белгилаб беради.

1920 йил сентябрида Германия Мустақил социал-демократик партиясининг фавқулодда съездида делегатларнинг кўпчилиги ўз ташкилотларининг Германия Коммунистик партияси (ГКП) ва Коммунистик интернационал билан қўшилишини ёқлаб чиқадилар. Икки партиянинг қўшилиш жараёни 1920 йил декабрида поёнига етади.

1921 йилда Тельманнинг ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди: Москвада Коминтернинг III Конгрессида у халқаро пролетариат доҳийси В. И. Ленин билан учрашади. Владимир Ильич Тельманнинг Германия ишчилар синфи аҳволига бағишланган нутқини маъқуллайди. Бу учрашув унда жуда катта таассурот қолдиради, пролетар революционерн сифатидаги кейинги фаолиятида катта роль ўйнайди.

Шу даврда Тельман ўз назарий билимларини ошириш устида жуда кўп ишлайди. Ўзига хос қунт, саботматонат билан Маркс, Энгельс, Ленин асарларини ўрганади. У Ленининг революцион назариясиз революцион амалиётнинг бўлиши мумкин эмас, деган фикрини жуда чуқур тушунади.

1923 йилда Германияда кризис вазияти етилади. Буржуазия пролетариатнинг ҳар қанақанги норозилигини куч билан бостиришга, ишчилар ҳаракатини тор-мор этишга киришади. ГКП бундай вазиятда қуролли қўзғолон зарур деган хулосага келади. Бунда Гамбург намуна кўрсатади. Шаҳар ишчиларининг, чиқишлари, уларнинг полиция ва қўшинлар билан қаҳрамонона курашига Тельман раҳбарлик қилади. Ишчилар ўз севимли етакчиларига ҳеч иккиланмай эргашадилар. Шу йилнинг май ойида Тельман ГКП Марказий Комиссияси аъзоси қилиб сайланади.

Мамлакатда вазият мураккаблашади: монополистик капитал меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва социал ғалабаларига қарши ёппасига ҳужумга ўтади, фашистлар ҳаракати тобора шафқатсиз тус олиб боради. Бу ҳолат Коммунистик партия таъсирини кучайтириш, синфий душманга зарба бериш мақсадида пролетариатнинг ягона фронтини ташкил этиш масаласини кун тартибига қўяди. ГКП Марказий Комитетига суқилиб кириб олган «ўта сўл» оппортунистлар группаси партиянинг самарали ҳаракатига халақит беради. 1925 йил кузида бўлиб ўтган партия конференциясида уларни раҳбарликдан четлаштиришга муваффақ бўлинади. Э. Тельман партиянинг Раиси қилиб сайланади. Бу воқеа Германия Коммунистик партиясининг ривожланиш тарихида муҳим босқич бўлиб қолади.

ГПК Тельман раҳбарлигида ленинизм принципларн асосида ўз сафларини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда жиддий муваффақиятларга эришади. У ўз аъзоларининг сони жиҳатидан ВКП/б/дан кейин Коминтернинг иккинчи секциясига айланади.

Бу даврга келиб Тельман Коммунистик интернационал Ижроия Комитети Сиёсий комиссияси аъзоси ва Коммунистик интернационал ижроия комитети президиуми раиси ўринбосарларидан бири сифатида халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатда кенг шуҳрат қозонади. Тельман немис ишчилар синфи онгига Ленин таълимотини сингдириш устида қунт билан ишлади, Германияни ривожлантиришнинг конкрет шароитларидан келиб чиқиб, ленинизмни ижодий қўлланди, оппортунизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз ва фаол кураш олиб борди.

У ўзи билан учрашган ёки бирга ишлашган одамларда чуқур таассурот қолдирарди. Унинг тўғри сўзлиги, соф виждонли ва жасурлигига ҳатто душманлари ҳам тан берарди. Тельман меҳнаткашлар оммасининг севимли доҳийси, ишчилар синфи ишига ҳизмат қилишнинг ёрқин тимсолидир. 1932 йилда ишчилар номзоди сифатида Германия президентлигига сайловда овозга қўйилганида унга 5 миллион киши овоз берган эди.

Эрнст Тельман фашизм хавф-хатарини жуда аниқ кўра билган. Ўзининг нутқларида фашистлар ҳокимият тепасига келгудек бўлса, қонли уруш муқаррар экнлигини қатъиятлик билан исботлади. Гитлер — бу уруш, деб огоҳлантирган эди.

Нацистлар ҳокимиятни қўлга олгач, бутун Германияда коммунистлар, социал-демократлар, касаба союзлари фаоллари ва умуман сўл йўналишдаги барча арбобларга қарши мунтазам террор кампаниясини бошлаб юбордилар. Вазият ГКПни қурашни тўхтатмаган ҳолда яширин ишга ўтишга мажбур этди. Тельман ҳам нолегал шароитда ишлашга ўтади. Бироқ Гитлернинг айғоқчилари уни тўхтовсиз таъқиб этадилар, ниҳоят 1933 йил 3 мартда қўлга олиб, турмага ташлайдилар. Халқаро жамоатчилик қаршилик кўрсатишига қарамай, фашистлар суд ва терговсиз Тельманни авахталарда олиб туришни давом эттираверадилар, уни инсон чидаб бўлмайдиган таҳқир ва қийноқларга соладилар.

1941 йил июлида нацистлар Тельманга гитлерчилар Германияси Совет Иттифоқига ҳужум қилганлиги хабарини етказадилар. Ана шунда у, фашистлар бетига тик қараб: «Бу сизларнинг қисматларингиз битганлигидан далолатдир!», дейди.

Эрнст Тельман турмада туриб жуда кўп мактуб, қайд, 34 дафтардан иборат мақолачалар яратиб, нолегал йўллар билан ташқарига чиқаришга муваффақ бўлади. Бу ҳужжатлар Германия ва халқаро ишчилар ҳаракати тарихи бўйича муҳим манбалар ҳисобланади.

Совет қўшинларининг зарбалари билан мушкул аҳволга тушиб қолган немис фашизмининг раҳбарияти барча тирик қолган сиёсий душманларидан ўч олишга шошилади. 1944 йил 18 августга ўтар кечаси Бухенвальд концлагерида мудҳиш қотиллик рўй беради—гестапочилар Гитлер ва Гиммлернинг буйруғи билан Тельманни ўлдириб, жасадини ёқиб юбордилар.

Эрнст Тельман ҳаёти — ишчилар синфи, халқ иши учун фидокорона хизмат қилишнинг, букилмас иродасининг тимсолидир. Совет Иттифоқи билан мустаҳкам дўстлик немис халқи бахтли келажагининг гаровидир, деган фикрда у қатъий турган эди. У қурашган буюк иш Германия Демократик Республикасида ғалаба қозонди—немис ишчилар синфи ўзининг марксчи-ленинчи партияси раҳбарлигида фашизм мағлуб бўлганидан кейин герман империализми ҳукмронлигига барҳам бериб, ишчи ва деҳқонлар давлатини барпо этди. ГДР тарихан қисқа вақт ичида социалистик қурилишда улкан муваффақиятларга эришди. Немис ишчилар синфининг доҳийси Тельманнинг муқаддас иши Германия Бирлашган Социалистик партиясининг ишончли қўлларидадир.

Бизнинг мамлакатимизда Тельман номи ҳамиша меҳр-оқибат ва ҳурмат билан тилга олинади. Унинг номи билан аталадиган аҳоли пунктлари, заводлар, колхозлар, кемалар бор. Москвадаги майдонлардан бирига ҳам унинг номи берилган.

Халқаро коммунистик ҳаракатнинг машҳур арбоби Эрнст Тельманнинг номи прогрессив инсоният қалбида марксизм-ленинизм ғоялари ва пролетар интернационализмига садоқат рамзи сифатида яшайверади.

**Т. НАЖМИДДИНОВ,**
**тарих фанлари кандидати.**



## КАСАНАЧИЛАР САФИ ОРТМОҚДА

**Хива гилам тўқиш фабрикасида ишлаётган қишлоқ аҳолисининг сони меҳнатга кенг жалб қилиш ҳисобига икки баробар кўпайди. Бу ерда касаначилик меҳнатидан ҳам фойдаланляпти. Қишлоқ жойларда корхонанинг филиаллари ташкил этилмоқда. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам кўпаймоқда. Тўқимачилик чиқитларидан қўлда тўқилган гилам ва полослар саноат йўли билан тайёрланган маҳсулотлардан арзонроқ. Шунинг учун ҳам аҳолининг бундай маҳсулотларга бўлган талаби кучли.**

**Ҳозирги кунда корхона, колхоз ва совхозларда янги филиаллар очмоқда. Бу ерда асосан ёш қизлар қадимий гилам тўқиш санъатини эгалламоқдалар. Хоразмда кўпгина қишлоқ хонадонларида тўқув дастгоҳлари шу кунгача сақланиб қолган. Бу эса касаначилик меҳнатини ривожлантиришда қўл келмоқда.**

**Фабрика коллективи шу кунларда 33 минг квадрат-метрга яқин гилам ва полослар тайёрлашни мўлжалламоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан анча кўпдир.**

**Ҳозир кўпгина корхоналар чиқитсиз технологияга ўтмоқдалар. Бундай шароитда эса гилам тўқиш фабрикасида хом ашё муаммосига дуч келинмоқда. Чунки бу чиқитлардан корхонанинг ўзи фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Агар республика Маҳаллий саноат министрлиги ҳвалиларга хом ашё масаласида ёрдам берганда эди, Хоразм қишлоқларидан нисизлик муаммоси анча узоққа чекиниган бўлур эди.**

**Суратда: Хива гилам тўқиш фабрикасининг касаначилик меҳнати бўйича мастери Шарофат Раҳимова (чапдан) ва касаначи Онабиби Машарипова. У ойлик топшириқларни икки баравар бажариш билан бирга фарзандларини ҳам тарбиялямоқда.**

**К. ОТАЕВ** суратн (ЎзТАГ).

# ҲАВАС

### ЕКИ САКСОН ЁШЛИ ЖАЛОЛ МАҚСУМОВНИНГ УМР КИТОБИДАН БИР ВАРАҚ

Саратон. Нафас олсангиз ичингизга олов киргандай туюлади. Ҳомсемиз, сояпарвар одамлар сув бўйлари, соҳилларга қўниш солишган. Шиғ этган шамол йўқлиги туфайли сояда ўтириш ҳам мушкул. Ана шундай кунда саксон ёшли Жалол ака (у кишини бобо дейишга тил бормайди) ҳеч нарсани сезмагандай, иссиққа «чап» бериб бораверади. Кимдир деразасига совутгич ўрнатилган хонанинг пардасини сал тортиб, бу кишига ҳасад билан боқади. Бошқа биров унинг чаққон ҳаракатларига ҳавас қилади...

Дарвоқе, саксон ёшли киши уйида ўтирмасдан, кўк чой роҳатини қилмасдан қаерга отланади? Нега унинг учун на қиш бор, на ёз?

— Юрган дарё дейдилар. Ҳаракатда баракат кўп, — дейди Жалол ака, ҳали ҳам ўғлим Алишержон тўсатдан оламдан ўтгач, ишни бирмунча йигиштириб қўйдим, қадим анча букилди. Фарзанд доғи ёмон бўлар экан. Ҳозир Киров районидаги 30-уй-жойлардан фойдаланиш участкаси қошида тузилган партия ташкилоти бюроси аъзосиман. Кейин шу ерда ўртоқлик суди раисиман ҳамда ҳуқуқ масалалари бўйича маслаҳатчиман. Шунга бориб келиб тураман-да...

Саксон ёшида шунча жамоат ишини бажарса, бу одам қирчиллама қирқ ёшида тоғни талқон қилган бўлса керак?, — деган савол кўнглингиздан кечиши табиий. Бу одам бир шогирди билан 1933 йилда Ҳолмат қўрбоши ва унинг 35 гумаштасини ушлагани рост. Ҳа, ўша кинолардa даҳшат қилиб кўрсатиладиган, китобларда қўрқинчли тасвирланадиган фарғоналик Ҳолмат, кейин ундан ҳам «довруқли» Эргаш қўрбошини ҳам қўлга туширишда иштирок этгани ҳақиқат. Буниси ҳам майли. Жалол Мақсумовнинг болалигидан бир шингил инқилоб йиллари эди. Жалолнинг отаси Мирмақсуд Мирёқубов янгилик тарафдорларидан эди... Инқилобни суймаган «ҳотамой»лардан бир-иккитаси унинг отаси изига тушишди. Жалол буни сезиб қолди. Ҳатто бир куни Ориф деган киши уларнинг уйидаги саватга хат ташлаб кетганини ҳам кўрди. Эртасига отасини босмачилар билан ҳамтовоқ, деб ушлашди. Шунда 12-13 ёшли бола Жаводбек босмачининг кирдикорини фош қилди. Отаси қутулиб қолди. Лекин кўп ўтмай оламдан ўтди. Жалол Самарқанднинг сўлим гўшаларидан бири Лолазор маҳалласини, у ердаги боқий чинорларни қолдириб Тошкентга, ҳарбий мактабга ўқишга келди. Келинг, унинг таржимаи ҳолига, расмий ҳужжатга бир назар солайлик.

**«...У 1922 йилдан комсомол, 1946 йилдан партия аъзоси. Олий маълумотли. Юрист. Меҳнат дафтарчаси 1919 йилдан очилган. 1924—1926 йилларда комсомол сафида туриб Самарқанд, Бухоро, Андижонда аксилинқилобчиларга қарши курашди.**

**1930—1934 йилларда ОГПУ да, масъул лавозимларда ишлади. Жаводбек, Ҳолмат, Эргаш қўрбошн тўдаларига қарши курашди...»**

— Жалол ака, ўттиз олти кишига икковлон қарши борганда қўрқмадингизми?

— Инсон бир марта қўрққунча, кейин оёғи қалтирамайдиган бўлиб қолади. Агар журъат қилса, ўлимга ҳам қарши бораверади.

— Ўша воқеани ҳозир ҳам эслайсизми?

— Ҳа, кинолардa бузиб кўрсатишади. Китобларда ҳам ҳар хил ёзишади.

— Аслида-чи?

— Аслида қизиқ бўлган. Бир куни Қўқондан келаётган таниш киши шипшитди: «Холмат шомда Ҳосилотникига қўнади». Нима қилиш керак. Избосканга, идорага хабар қилай десам, «қулоқ»дан қўрқаман. Унинг одамлари бизнинг оромизда ҳам бор. Менга хабар етказган извошчи Узоқбой Эргашевга кечқурун ёрдам берасан, кел, дедиму, ўзим тўппи кийиб Ҳосилотникига йўл олдим. Қамишзор тарафдан кириб бордим. Бир киши тўрдаги уйга овқат ташияпти. Аста уни имладим. Ҳосилотнинг ўзи экан. Уйини қуршаганимиз, ёрдам бермаса аҳволи танг эканлигини айтдим. «Ҳали келмаган» деди у. «Биламан, шомда қўнади» дедим. Унинг камида қирқ йигит билан юришини билардим. Ҳосилотга 40 та бир қуролчилк арқон тайёрлашни буюрдим. Шомда извошчи ҳам келди. Иккаламиз қамишзорга милтиқларни келтириб қўйдик. Кун оққанда Ҳолмат ўттиз беш киши билан ташриф буюрди. Енгини шимариб, қўл ювгани ҳали ҳам кўз олдимда. Улар зиёфатни бошлаб юборишди. Мен Ҳосилотга берган спирт ҳам иш берди. Кайфлар тароқ бўлгач, Ҳосилот эшикларни беркитди, дераза маҳкам эди. Биз томга чиқдик. Оёғимиз билан томни тепиб, милтиқлардан ота бошладик. Извошчи бир ўзи олти милтиқдан отаяпти. Мен пастга тушиб, уларни биттадан чиқишларини буюрдим. Чиқанини қўл оёғини Ҳосилот боғлаяпти. Охирида Ҳолмат чиқди. Менга иккита келади. Уч кишилашиб, уни боғладик. Ҳа, бундай қарасанг ҳаммаси оддий. Аммо ўша кезда...

— Ҳозир шу воқеага қайтсак, шундай йўл тутармидингиз?

— Ўша кезда одамлар содда эди. Кинолардa уларни маккор, айёр қилиб кўрсатишади. Бугунги томошабинни ишонтириш учун шундай қилинади-да. Аслида одамлар ҳам, воқеалар ҳам содда эди...

**...Ўртоқ Ж. Мақсумов 1934—1936 йилларда республика прокуратура органларида ишлади. Кейин юстиция Халқ комиссарлигида фаолият кўрсатди. Бу иш 40 йил давом этди. Сўнг узоқ йиллар давомида оқловчи бўлди...»**

Ҳа, унинг умри кураш билан боғланди. Ҳар бир суд унинг учун жанг майдони эди. Ўнлаб, юзлаб, балки минглаб тақдирлар учун курашди. Гоҳида ютди, гоҳида ютқазди. Аммо қурашдан тўхтамади. Саксонни қоралагунча у ўзининг шахсий машинкасини қўлтиқлаб республика кезди. Оқловчининг иши шунақа. Ким нажот кутса, ким ёрдам истаса ўша томонга ошиқиши шарт. Унинг орденлари, медаллари, ёрлиқлари кўп. Аммо тақиб юрмайди. Таржимаи ҳоли катта, бир китобга сиғмайди.

Бу йил ёз иссиқ келди. Саратон олови ловуллайди. Ҳамма салқин жой излайди. Аммо Жалол ака уйда ўтира олмайди. Саксон ёшида ҳам кимгадир яхшилик қилсам, дейди. Тошкентнинг унга қадрдон бўлиб кетган кўчаларидан бораверади, бораверади... Самарқандда туғилиб, Тошкентда улғайган бу инсонга кўплар ҳавас қилади. Ҳа, ҳавас қилса арзигулик.

**Ж. МАМАТОВ.**

Муҳаррир
**У. УСМОНОВ.**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги**

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**1989—1990 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича**

**КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА**

### ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**СИРТҚИ БЎЛИМ — ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борладиган ихтисослар:** педагогика ва бошланғич таълим методикаси, педагогика ва психология, тарих, ўзбек тили ва адабиёти.

**КУНДУЗГИ БЎЛИМ — ўқиш ўзбек тилида олиб борладиган ихтисослар:** математика ва физика, физика ва астрономия, физика ва ахборот ҳисоблаш техникаси, умумтехника фанлари ва меҳнат, расм ва чизмачилик, педагогика ва психология, химия ва биология, биология ва қишлоқ хўжалик асослари, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, рус мактабларида ўзбек тили.

**Ўқиш рус тилида олиб борладиган ихтисослар:** миллий мактабда рус тили ва адабиёти.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИДАГИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ИШЧИЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР ВА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДАН БЎШАТИЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кундузги тайёрлов бўлимига 34 ёшгача, сиртқи тайёрлов бўлимига эса ёши чекланмаган ҳолда тингловчилар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тегишли иш жойидан, колхозлардан ва ҳарбий қисм қўмондонлигидан махсус йўлланма бўлиши керак.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар тегишли корхоналарда камида 2 йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлишлари керак (шогирдлик стажи тайёрлов бўлимига киришда ҳисобга олинмайди).

**ЎРТА МАКТАБНИ 1988 ЙИЛДА ТАМОМЛАГАНЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.**

**Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** институт ректори номига ариза (махсус бланка тўлдирилади), иш жойидан тайёрлов бўлимига кириш учун махсус йўлланма (махсус бланка тўлдирилади), ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан корхона раҳбарн, партия ва жамоат ташкилотлари томонидан тасдиқланган характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (бош кийимсиз, 3х4 см, ҳажмида).

**ПАСПОРТ, ҲАРБИЙ ВА КОМСОМОЛ БИЛЕТЛАРИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВАҚТИДА ШАХСАН КЎРСАТИЛАДИ.**

Тингловчилар сафига қабул қилиш учун кирувчилар билан асосий ихтисос предметлари бўйича суҳбатлар ўтказилади.

**Сиртқи тайёрлов бўлимига ҳужжатлар 20 августдан 20 сентябргача қабул қилинади.** СУҲБАТЛАР ВА ТИНГЛОВЧИЛАР САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ 20 СЕНТЯБРДАН 1 ОКТЯБРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ. Сиртқи бўлимга белгиланган муддатларда сессиялар ўтказилади, сессиялар орасида эса тингловчилар контроль ишларини бажарадилар.

**КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҲУЖЖАТЛАР 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**Кирувчилар билан суҳбатлар 10—25 ноябрда ўтказилади.**

**Кундузги бўлимда 1 декабрдан ўқиш бошланади.**

Кундузги бўлим тингловчиларига стипендия тўланади. Институт имкониятига кўра узоқдан келган тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар. Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тамомлаганлар институтнинг 1-курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700064, Тошкент шаҳри, Ғаинка кўчаси, 3-уй, бош корпус, 5-қават, тайёрлов бўлими.

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

### ЯНГИ МАВСУМ ОЧИЛДИ

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

### ГАСТРОЛЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ
КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА

ТОМОШАЛАР: соат 19.30, шанба куни — соат 16 ва 19.00 да, якшанба куни — соат 12, 15, 18.00 да БОШЛАНАДИ.

**Олдиндан билетлар сотиш кассаси очиқ.**

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ТУШИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларнинг буюртмалари навбатдан ташқари амалга оширилади.

**Касса дам олиш куннисиз, соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.**

Справкалар учун телефонлар — 44-35-91, 44-34-84, 44-28-04.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

**1 СЕНТЯБРДА**

ҲАМЗАНОМА СПЕКТАКЛИ БИЛАН

### 72-МАВСУМ ОЧИЛАДИ

**Спектакллар соат 19.30 да бошланади.**

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

**22 АВГУСТ СОАТ 19.00 ДА**

СССР 52-ЧЕМПИОНАТИ «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ДАУГАВА» (Рига)

**1-лига командалари ўртасида**

### ФУТБОЛ

**Танаффус пайтида спорт-бўюм лотереяси ўйналади.**

**Сериялариинг номерлари — 030000 дан 032000 гача.**

Билетларни ўз вақтида сотиб олишларингизни сўраймиз.

РЕСПУБЛИКА СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНКАДА ЁЗИШ КУРСЛАРИ КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА

### ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Курслар ўзбек ва рус тилларида замонавий иш юритиш асосларидан билим берган ҳолда секретарь-стенографисткалар ва секретарь-машинисткалар тайёрлайди.**

**Курсларга — август ойида ўқувчилар қабул қилинади.**

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси 174-уй (Ленин комсомоли номидаги кўл ёнида). Ҳар куни соат 10 дан 19.00 гача учрашиш мумкин. Телефон — 45-62-52.

Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти правлениеси президиуми ва коллегияси правление аъзоси, жамиятнинг Самарқанд область Совети раиси ўринбосари

**Раҳмат Мирсандович РАШИДОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти маъмурияти филология фанлари номзоди С. Отамирзаевага акаси

**Бозорбой ОТАХОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

**БИЗНИНГ АДРЕС:** 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

**БЎЛИМЛАР:** партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 11895. Б. — 191. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12